БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши № 19 (11.465). | 23 январь, шанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

1960 йилда Ўзбекистон ССРда сабзавот-полиз экинлари ва картошка етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таъкидлайдиларки, область ва районларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорини амалга ошириб 1959 йилда сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти ва картошка етиштиришни ҳамда бу маҳсулотларни республика шаҳарлари ва саноат марказлари аҳолисига сотишни бир мунча кўпайтиришга эришдилар.

Колхоз ва совхозларда сабзавот-полиз ва картошка экинлари майдони 1958 йилдагига нисбатан 17724 гектар кенгайди, сабзавот ялпи ҳосили 1958 йилдаги 167,1 минг тонна ўрнига 404 минг тонна ҳамда картошка ялпи ҳосили 1958 йилдаги 113,6 минг тонна ўрнига 204 минг тонна бўлди.

Кўпгина колхозлар ҳосилдорликни кескин оширишга муваффақ бўлдилар. Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз ҳар гектар экин майдонидан 236 центнер картошка, 244 центнер сабзи, 310 центнер помидор, 427 центнер карам ва 335 центнер бодринг олди.

Оржоникидзе районидаги Свердлов номли, Ленин номли, Самарқанд районидаги Ленин номли, Киров номли, Наманган районидаги Тельман номли ва бошқа колхозлар ҳам сабзавот-полиз экинларидан ва картошкадан юқори ҳосил олдилар.

Янгидан ташкил қилинган «Тошкент», «Партия XXI съезди», «Сўх» ва бошқа сабзавот совхозларида техникадан ва бошқа моддий воситалардан тўлиғроқ фойдаланиш натижасида ҳосилдорлик анча ошди, қўл меҳнати сарфлаш қисқарди ва сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти ҳамда картошканинг таннархи камайди.

Сабзавот экувчи колхоз ва совхозлар 1959 йилда сабзавот экинлари ва картошкани квадрат-уялаб экиш усулини кенг қўлландилар.

Сабзавот-полиз маҳсулоти ва картошка етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги ишлар бирмунча яхшиланган бўлса ҳам, бу муҳим ишда ҳали жиддий камчиликлар бор.

Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, район ижроия комитетлари, маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштиришнинг кескин кўпайтириш ишида колхоз ва совхозларга берилган моддий техника ёрдамидан керагича фойдаланмадилар. Аҳолининг эҳтиёжларини қондиришда масъулиятсизликка йўл қўйилганлиги натижасида Бухоро областида сабзавот етиштириш мажбурияти 60 процент ва картошка етиштириш мажбурияти бор-йўғи 15 процент, Сурхондарё областида сабзавот етиштириш мажбурияти 48 процент ва картошка етиштириш мажбурияти 26 процент; Хоразм областида сабзавот етиштириш мажбурияти 45 процент ва картошка етиштириш мажбурияти 57 процент бажарилди, холос.

Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, шаҳар атроф районларидаги район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари маҳсулот етиштириш планининг бажарилишини таъминламадилар, бунинг оқибатида 54 минг тонна сабзавот, 13 минг тонна картошка ва 14 минг тонна полиз маҳсулоти кам олинди.

Самарқанд, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг колхоз ва совхозлари сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш планини қониқарсиз бажардилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳисоблайдиларки, республикадаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхоз ва совхозларнинг жуда катта резервлари ва имкониятларидан сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш учун ҳали ҳам тўлиқ фойдаланаётганлари йўқ. Сабзавот экувчи колхоз ва совхозларнинг кўпчилигида ердан ҳамда йилига икки марта, айрим экинларни эса уч марта экиб, ҳосил олиш имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Кўпгина колхоз ва совхозлар маккажўхори, оқжўхори, беда ва бошқа хашаки экинлардан йўл қўйиб бўлмас даражада кам ҳосил олиб келаётганликлари орқасида ана шу хўжаликларнинг кўпчилигида хашаки экинларнинг салмоғи 50 процентга боради ва бундан ҳам ортади, ҳолбуки, хашаки экинлардан юқори ҳосил олинган тақдирда бу экинларнинг салмоғини 30—35 процентгача келтириш, сабзавот, картошка ва полиз экинларининг салмоғини эса 66—70 процентгача етказиш мумкин бўлур эди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, сабзавот экувчи колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехника қоидаларига қаттиқ риоя қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишларини ўтказишда интизомни мустаҳкамлаш учун қатъият билан кураш олиб бормаёгирлар. Экинларни етиштиришнинг прогрессив усуллари: тувакчаларда кўчатлар етиштириш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш, комплекс механизацияни жорий қилиш ва аввало экинларни квадрат-уялаб жойлаштириб, узунасига-кўндалангига икки томонлама ишлаш усуллари жуда суст жорий этилмоқда, бунинг натижасида умуман республика бўйича сабзавот, картошка ва полиз экинларининг ўртача ҳосилдорлиги илгор хўжаликлар эришган даражадан икки—уч баравар паст, бир центнер маҳсулотнинг таннархи ҳаддан ташқари юқори бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳисоблайдиларки, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Савдо министрлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва «Ўзбекбирлашув» правлениеси Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 1 апрелдаги 213-сон қарорининг сабзавотхоналар, картошкахоналар, қовунхоналар ва тузлаш ўралари қуришга тааллукли қисмини тўлиқ бажармадилар, оқибатда Тошкент шаҳрининг ва бошқа шаҳарларнинг аҳолиси қиш-баҳор фаслларида сабзавот ва картошка билан ҳамон етарли миқдорда таъминланмаган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сабзавот-полиз маҳсулотлари ва картошка етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида **қарор қилдилар:**

1. Областларнинг 1960 йилда республикадаги хўжаликларнинг ҳамма категориялари томонидан 610 минг тоннага етказиб, ёки 1959 йилдагидан 206 минг тонна кўп сабзавот; 360 минг тоннага етказиб, ёки 1959 йилдагидан 156 минг тонна кўп картошка, ҳамда 600 минг тоннага етказиб полиз маҳсулотлари етиштириш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин; шу жумладан областлар бўйича:

	Сабзавот	Картошка	Полиз маҳсулоти
Тошкент	215	150	160
Фарғона	75	35	65
Наманган	45	28	40
Андижон	60	20	62
Самарқанд	85	60	80
Бухоро	32	14	43
Қашқадарё	37	9	40
Сурхондарё	29	14	40
Хоразм	15	10	32
Қорақалпоғистон АССР	17	20	38
Жами:	610	360	600

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка ҳосилдорлигини бутун чоралар билан ошириш Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларининг, колхоз ва совхоз раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси ҳисоблансин.

1960 йилда ҳар гектаридан олинадиган ўртача ҳосилдорлик сабзавот бўйича камида 180—200 центнерга, картошка бўйича 150—170 центнерга, полиз экинлари бўйича—200—250 центнерга етказилсин.

2. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги сабзавот экувчи колхоз ва совхозлар учун техника, транспорт воситалари, минерал ўғитлар ва шу каби нарсалар ажратиб берсин.

Сабзавот экувчи хўжаликларга бериш мўлжалланган техникани ҳамда моддий техника ресурсларини ва ўғитларни бошқа мақсадларга ишлатиб юбориш тақиқлаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари:

а) сабзавот етиштириш учун ердан тўғри фойдаланишлар, экин майдонлари структурасида сабзавот, картошка экинлари салмоғини кўпайтириб, уни камида 65—70 процентга етказишлар, сабзавот, картошка ва полиз экинларидан 2—3 марта ҳосил олиш, шунингдек экинларни аралаштириб экиш учун суғориладиган хўжалик имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлар;

б) меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини жорий этсинлар — 100—120 гектар экин майдонига ҳамда ишларни максимал даражада механизациялашни ва ишчи кучларидан тўғри фойдаланишни таъминлайдиган тегишли экинлар экувчи комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадалари ташкил қилсинлар;

в) картошка сабзавот ва ҳашаки экинларни квадратлаб ва квадрат-уялаб жойлаштириш ҳамда бу экинларни механизмлар билан икки томонлама ишлаш усулини кенг жорий қилсинлар.

Хўжалик ҳисобби жорий қилинсин, бу метод сабзавот, картошка ва полиз экинларининг ҳосилдорлигини оширишдан колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини оширади;

г) етиштирилаётган маҳсулотни мавсумлар бўйича истеъмол қилиш учун аҳолига ва консерва саноатига тўғрироқ тақсимлаб бериб туришни мўлжалга олиб, эртаги, ўртаги ва кечки сабзавот, эртаги ва кечки картошка ҳамда полиз маҳсулотларининг бир меёрда тушиб туришини таъминласинлар.

4. Яқин 2—3 йил ичида Оржоникидзе ва Самарқанд районларини сабзавот-полиз экинлари, картошка, шунингдек мева ва узум етиштирадиган қилиб ихтисослаштириш зарур деб топилсин.

Термиз, Қарши, Бухоро, Урганч, Янгийўл, Беговот, Янгиер шаҳарларининг ҳамда ишчи посёлкаларининг аҳолисини сабзавот ва картошка билан тўла таъминлаш учун 1960 йилда биттадан колхоз ёки совхоз ана шу экинларни етиштирадиган қилиб ихтисослаштирилсин.

5. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг эътиборини уруғлик материални тўғри танлаш ва бу материалнинг сифатли бўлиши ҳосилдорликни оширишда бениҳоя катта аҳамиятга эга эканлигига тортадилар ҳамда 1960 — 1961 йиллар мобайнида барча колхоз ва совхозлар асосан ўз хўжаликларидаги сермаҳсул участкаларда уруғлик материал тайёрлаш ҳисобига сабзавот-полиз экинлари ва картошканинг фақат районлаштирилган сортларини экадиган бўлишларига эришиш мажбуриятини юклайдилар. Ҳозирги вақтда ишлаб турган сабзавот уруғчилиги хўжаликларининг ихтисослашувини бузишга йўл қўйилмасин.

6. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига Тошкент шаҳар атрофи районлари зонасидаги ва областдаги ёрдамчи ва бошқа хўжаликлар негизида сабзавот-сутчилик совхозлари ташкил этиш ҳақидаги таклифни Тошкент шаҳар ижроия комитети билан бирликда бир ой муддат ичида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

7. Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» правлениеси, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Тошкент Совхозлар трести ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 1 апрелдаги 213-сон қарорида кўзда тутилган сабзавотхоналар, картошкахоналар ва тузлаш ўралари қурилишини ҳамда 1959 йил плани бўйича кўзда тутилган, аммо тамомланмай қолган қурилишни бу йил тугаллашни таъминласинлар.

Ўзбекистон ССР Госплани ана шу қурилишнинг моддий техника таъминотига доир масалаларни министрликлар ва бошқармаларнинг раҳбарлари билан биргаликда қараб чиқсин ва ҳал этсин.

8. «Узгипросельхозпроект»га газда иситиладиган, иссиқлик чиқитларида ва иссиқ сув манбаларида иситиладиган янги теплица ҳамда парниклар қуриш ва мавжуд теплица ва парникларни қайта жиҳозлаш лойиҳаларини бир ой муддат ичида тайёрлаб бериш вазифаси топширилсин.

9. «Ўзбекбирлашув» 1960 йилда республикадаги сабзавот экувчи колхозлар учун маълум миқдорда ёғоч-тахта, цемент, шифер ва бошқа бинокорлик материаллари келтириб сотсин.

Колхозларда сотиш учун ўзининг тара заводларида бочка идишлар ва ящик идишлар тайёрласин.

10. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва Тошкент шаҳар ижроия комитети сабзавот-полиз маҳсулотлари сотишни кескин яхшилаш, намунали магазинлар, палаткалар ва дўконлар қуриш, айрим хўжаликларни магазинларга биркитиб қўйиш, музхоналар, омборлар ва қайта ишлаш пунктлари ташкил этиш тадбирларини бир ой муддат ичида ишлаб чиқсинлар ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети муҳокамасига тақдим этсинлар.

11. Область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, район ижроия комитетлари, район партия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, область қишлоқ хўжалик бошқармалари, совхоз трестлари, совхоз директорлари, колхоз раислари, бошланғич партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, совхозлардаги ишчилар комитетларининг раислари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорларини муҳокама қилиш вақтида ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мазкур қарори асосида аҳолининг сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларига бўлган талабларини етарли миқдорда қондириш учун ҳар бир хўжаликда сабзавотчиликни юксалтириш, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан конкрет план ишлаб чиқсинлар.

ТИНЧЛИККА ИНТИЛИШНИНГ УЛУҒ НАМУНАСИ

ҒОЛИБОНА УЧИШ

Мен совет фанининг янги, жуда катта ютуғи — бундан аввалги кўп босқичли баллистик ракеталардан тағин ҳам кучлироқ бўлиб, Ернинг оғир йўлдошларини кўтара оладиган ва Қуёш системаси планеталарига қилинадиган космик учишларни амалга оширадиган кўп босқичли баллистик ракета учирилганлигидан ғоят завқ-шавққа тўлдим.

Кейинги йилларда фанимизнинг коинотга ғолибона кириб бориш босқичлари бирин-кетин амалга оширилмоқда. Мен инсон учадиган қудратли аппаратда баланд кўтарилиб, космосни текширадиган вақт узоқда эмаслигига аминман. Бундай ишни совет киши қилади. Охирги босқич макетининг космосдан Ерга қайтиб тушганлиги — фаннинг жуда катта муваффақиятларидан бўлиб, коинот тадқиқотчиси бўлган инсон ҳам Ерга эсон-омон қайтиб тушишидан далолат бериб турибди.

В. А. ЖОРЖИО,
Профессор, Ўрта Осиё давлат университети физика факультетининг декани

ИЛҲОМБАХШ ПАРВОЗ

СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида мамлакат Қуролли Кучларини яна анча камайтириш ҳақида қабул қилинган қонун совет кишиларини нақадар бахтиёр этган бўлса, янги ракетамизнинг сўнгги парвози тўғрисидаги хушхабар ҳам қалбларини шу қадар қувончга тўлдирди.

Бизнинг ҳар бир парвозимиз коммунизм буюк қўрғони сари шаҳдам ташланган улкан қадамдир, совет халқининг азми даҳосидан нишонадир. Бизнинг қудратимизга дўстларимизгина эмас, душманларимиз ҳам кўпдан қойил қолмоқда.

Янги баллистик ракетамизнинг муваффақиятли парвози биз адабиёт аҳилларининг дилига янгиянги илҳом бағишлаган зўр воқеа бўлди.

Ҳаким НАЗИР,
ёзувчи.

ФАХРЛАНАМАН

Учирилган кўп босқичли баллистик ракетамизнинг Тинч океан районида белгиланган ерга бориб тушганлиги ҳақидаги ТАСС ахборотини ўқиб, бениҳоя қувиндим. Фанимиз ва уни яратувчи олимларимиз ҳамда конструкторларимизнинг бу янги ғалабаси ажойиб совет фанининг жуда тез ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Мен бу ахборотдан яна шунинг учун ҳам қувонаманки, совет фанининг бутун фаолияти тинчликни мустаҳкамлаш ва инсонга хизмат қиладиган фанни ривожлантиришга қаратилгандир. Азиз ватандошларимизнинг ажойиб ғалабаси билан фахрланаман.

Ю. ИГНАТОВ,
шахта қурувчи.

ҲАММАМИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗДАГИ ГАП

РЕПОРТАЖ

Бир суткада тўрт фасл. Бу ҳозирги қишнинг мўъжизаларидир. Куни кеча яраклаб офтоб чиқиб турувди, кечаси бироз шамол эсди-да, кетидан ёмғир ёғиб юборди. Майдалаб ураётган ёмғир томчилари шифер, тунука, черепица билан қопланган томлар устида ялтиллайди, думалаб тушиб, ариқларга оқади, пахта майдонлари томон йўл олади. Ёмғир борган сари жадаллаб кетди.

Асфальтланган Тошкент — Паркент йўлининг ёқасига жойлашган «III Интернационал» колхозининг правлениесига бирин-сирин колхозчилар, механизаторлар, бригадир ва табелчилар йиғилдилар. Гуруғлашишга келганлар сони тобора кўпая бошлади.

— Хўб аломат ишлар бўляпти-да, — гапга тутинди колхоз агрономи Исмоил ака Норбоев. — Қаранглар-а, 1 миллион 200 минг киши Совет Армияси сафидан тинч меҳнатга қайтиб келади. Бу демак — колхозимизга армияда хизмат қилаётган ҳамқишлоқ, навқирон йигитларимиздан 35 киши келади. Бу демак — 35 та тюпкочи механизатор, шунча трактрочи, шунча илғор сувчидир...

— Ҳа, баракалла, — гап бошлади партия ташкилотининг секретари Қўнисбой Ўрозаев. — Ҳукуматимизнинг бошлиғи Никита Сергеевич Хрушчевнинг СССР Олий Советининг IV сессиясида қуролсизланиш ҳақида қилган доклади совет халқининг тинчликка бўлган истагининг ифодасидир. Совет ҳукумати Ватанимизнинг ташкил топган дастлабки кунларидан то бугунги дамларгача тинчтотув яшаш сиёсатини амалга ошириб келмоқда. Дунёда тинчлик бўлса, халқимизнинг фаровонлиги янада ошади, мўл-кўлчилик бўлади.

— Бу йил — улуғвор етти йилликнинг иккинчи йилида «оқ олтин»дан янада мўл ҳосил оламиз ва шунинг билан республикамиз томонидан давлатга топшириладиган 3 миллион 170 минг тонна пахта ҳисобига тегишли ҳиссамизни қўшамиз. Шу мақсадда шудгорлашни тўла-тўкис бажардик, машиналарда далага гўнг чиқараётирмиз, ариқ-зовурларни тозаламоқдамиз. 36 трактор ремонтдан чиқарилиб, кўкламга шайлаб қўйилди. Колхозчилардан 76 киши чигитни квадрат-уялаб экиш усулини ўргашишга ва тракторни бошқаришга ўқитилмоқда.

— Иш қилиб тинчлик бўлсинда, болам, — дейди колхоз оқсоқолларидан бири, пенсионер Ўзбекхўжа ота Ҳакимхўжаев. — Лаънати уруш биттаю-битта ўғлим Абдуллажонни еб юборди. Энди қариб қолдим. Ёшим 91 да. Колхозимизга минг раҳмат — ғамхўрлик қилиб, хабар олиб турибди.

Қаҳрамон оналардан Орзунисо Исломова, Рўзибуви Ҳайитматова ва кўплаб бошқа кўп болали оналар ҳам Ўзбекхўжа отанинг фикрига қўшиладилар. Дарҳақиқат, Совет ҳукуматининг бошлиғи Никита Сергеевичнинг сессияда гапирган сўзлари жаҳондаги бутун инсониятнинг қалбига сингди.

... Ёмғир қорга айланди. Атрофга қоронғу туша бошлади. Қишлоқда Ильич чироқлари ёнди. Правлениега келиб гуруғга қўшилаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳаммаларнинг юзида табассум. Ҳаммасининг фикри-хаёли эртанги кунда. Эртанги кун эса янада порлоқ, ҳаётимиз фаровон. Халқимиз коммунизм сари шахдам қадам ташлаб бормоқда.

Ҳамид ТОЖИБОЕВ.

БУЮК ҒАМХЎРЛИК

Мамлакатимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш учун, халқ фаровонлигини бундан ҳам яхшилаш учун ҳормай-толмай хизмат қилаётирмиз. Асрлар бўйи ер остида яшириниб ётган табиий бойликларни излаб топиб, ундан халқ хўжалигида фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдамиз. Бунга тинчлик туфайли эришмоқдамиз. Ҳукуматимиз, шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчев тинчлик йўлида, халқлар осойишталиги йўлида тинмай ғамхўрлик қилаётирлар.

СССР Олий Совети сессиясида Совет Қуролли Кучларини янада қисқартиш тўғрисида қабул қилинган қонун ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Қонунга мувофиқ, демобилизация қилинган солдатлар ва офицерлар бизнинг Газли конимизга ҳам келадилар. Биз уларни бажонидил кутиб оламиз.

Мансур ХЎЖАЕВ,
Газли нефть-газ пармалаш участка мастери, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

„УРУШ ЭМАС, ҚУРИШ КЕРАК!"

— Барча тинчликсевар халқлар шундай деяпти. Дарҳақиқат неча асрлардан буён инсон қалбини яралаб, миллион-миллион одамларни нобуд қилган, катта-катта шаҳарлар, қишлоқларни вайрон қилган урушлар кимга керак? — дейди Тошкентдаги кимё фармацевтика заводининг илғор ишчиси Солиҳа Валишаева.

Республикамизнинг бу йирик корхонаси халқнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш учун зарур бўладиган неча минг хилдаб дори-дармонлар ишлаб чиқаряпти. Завод коллективи СССР Олий Советининг сессияси ва бу сессияда қабул қилинган тинчлик Қонунини зўр мамнуният билан кутиб олди. Дори ишлаб чиқарувчилар ўтган йил белгиланганидан ташқари қарийб 3 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берган эдилар. Илғор коллектив олимлар ихтиро қилган янги хил дорилар ишлаб чиқаришни кўпайтираётир.

— Шуниси қувончлики, — дейди завод директори Ўртоқ С. Исломбеков, — корхонамиз коллективи ҳамиша эл саломатлигини кўзлаб ишлайди. Партия ва Совет ҳукумати бизга энг яхши — таъсирчан, арзон дори-дармон ишлаб чиқаринг, деб топшириқ берганлар. СССР Олий Советининг сессияси СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Совет ҳукумати номидан Қуролли Кучларни яна 1 миллион 200 минг киши миқдорида камайтириш тўғрисида қилган таклифини маъқуллади ва бу ҳақда Қонун қабул қилди. Энди ҳарбий мақсадлар учун илгари ажратилган маблағнинг бир қисми албатта тинчлик мақсадларига сарф этилади. Биз заводимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Шу сабабли давлат бизга қўшимча маблағ ажратди.

Медицина корхонасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари тинчлик Қонунини маъқуллаб, бир овоздан «уруш эмас, қуриш керак!» демоқдалар.

СОВЕТ БАЛЛИСТИК РАКЕТАСИ ТИНЧ ОКЕАНИНГ ШУ ЖОЙИГА ТУШДИ.

Юз гектарга 136 центнердан чўчқа гўшти

Самарқанд область, Пастдарғом районидаги Сталин номли наслчилик совхози коллективининг 1960 йил учун социалистик мажбурияти

Наслчилик совхозининг коллективи КПСС XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун ва КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумини муносиб кутиб олиш учун курашиб, етти йилликнинг биринчи йилида меҳнат соҳасида яхши кўрсаткичларга эришди. Умуман совхоз бўйича 10.806 центнер — планга нисбатан деярлик 2 минг центнер кўп сут олинди. Ҳар бош сигирдан 3955 килограмм сут соғиб олинди ёки ҳар 100 гектар ер ҳисобига 236,5 центнердан сут етиштирилди.

15 бош сигирнинг ҳар биридан 4765 килограммдан сут соғиб олган Музине Қодирова ва 14 бош сигирнинг ҳар биридан 4750 килограммдан сут соғиб олган Гулсум Усеинова социалистик мусобақада биринчи ўринда бормоқда.

Совхоз коллективи гўшт етиштириш планини ҳам муваффақиятли бажарди. Ўтган йили давлатга 3174 центнер гўшт топшириб, совхоз гўшт етиштириш жиҳатидан 1961 йилги даражага эришди.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришдаги бундай катта муваффақиятга чўчқачиликни ҳар томонлама ривожлантириш туфайли эришилди. Ўтган йили давлатга 2478 центнер чўчқа гўшти топширилди, ёки ҳар 100 гектар ер ҳисобига 70 центнердан чўчқа гўшти етиштирилди. 80 процент чўчқа гўшти бўрдоқи ҳисобига топширилди.

Илғор чўчқа боқувчи Илья Янаки 645 чўчқани боқиб, давлатга 779 центнер гўшт топширди. Агрипина Филипповская ўзига биркитилган группадаги чўчқаларни 488 центнер семиртирди. Надежда Дуракова ҳам деярли шундай натижага эришди.

Совхоз шунингдек чорванинг ҳамма турларини кўпайтириш планини ҳам бажарди.

Совхоз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорини муваффақиятли бажариш учун курашиб, ўз хўжаликларини ривожлантириш етти йиллик планини қайта кўриб чиқдилар ва ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар:

Гўшт етиштириш бўйича 1965 йилги даражага етти йилликнинг иккинчи йилидаёқ эришилади, бу вазифа асосан чўчқачиликни янада ривожлантириш йўли билан ҳал этилади. 1960 йилда ҳар 100 гектар ер ҳисобига 136 центнердан чўчқа гўшти етиштирилади. Чўчқачиликдаги бундай юксалишга биринчи навбатда уруғчи чўчқаларни бир марта болалатиш ҳисобига эришилади. Шу мақсадда совхоз ҳар бир асосий уруғчи чўчқа ҳисобига бир марта болалайдиган 6—7 чўчқа қолдириш. Чўчқаларни асраш ва боқиш ишини яхшилаб, давлатга олий конденциядаги гўшт топширишга эришамиз. Топшириладиган ҳар бир чўчқанинг ўртача вазмини 100—120 килограммга етказамиз.

Илғор чўчқа боқувчиларимиз Илья Янаки ва Алексей Тирновой ўз зиммаларига юксак мажбурият олдилар. Улар ўзларига биркитилган чўчқаларни бўрдоқига боқиб, 800 центнер семиртирадилар.

Маҳсулот таннархини янада камайтириш масаласи илгаригидек диққат марказида бўлади. Биз гўштнинг таннархини ўтган йилдагига нисбатан 20 процент камайтириш мажбуриятини оламиз. Бунда чорвачилик фермаларидаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Жумладан, ҳамма моллларни озуқа ўз-ўзидан тушиб турадиган охурда боқишга ўтиш мўлжалланмоқда. Шунингдек автопоилка ва осма йўлларни монтаж қилиш ҳам тугалланади.

Шу йилнинг ўзидаёқ совхоз коллективи ҳар 100 гектар ер ҳисобига 318 центнердан сут етиштириш мажбуриятини олди.

Бу йилги мавсумда ҳар бир бош сигирдан 4,5 минг килограммдан сут олинади. Илғор сут соғувчи Музине Қодирова эса ўзига биркитилган сигирларнинг ҳар биридан 5,5 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилди.

Сут етиштиришни кўпайтириш билан бир вақтда унинг таннархи ўтган йилдагига нисбатан 15 процент камайтирилади.

Чорвадорларнинг етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш соҳасидаги ташаббусини совхоз механизаторлари ва деҳқонлари қизғин қўллаб-қувватладилар. Улар чорвачилик фермаларини ширали ва дағал озуқалар билан тўла таъминлаш мажбуриятини олдилар. Ҳар гектар ердан 110 центнердан қуруқ беда, 650 центнердан илдизмевалик озуқа, 500 центнердан думбул сўтали маккажўхори пояси олиш мўлжалланмоқда. Ҳар бош сигирга 14 тоннадан маккажўхори силоси бостирилади. Ҳамма турдаги озуқалар таннархини 20 процент камайтирамиз.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қароридан илҳомланган совхоз меҳнаткашлари ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга қаттиқ бел боғлаганлар.

Мажбурият совхоз ишчилари ва хизматчиларининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

В. И. ЛЕНИН ҚИЗИЛ МАЙДОНДА. 1918 ЙИЛ.

П. Оцуп фотоси (ТАСС фотохроникаси).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЭНГ БУЮК ИНСОН

ДОҲИЙ ва УСТОЗ

СОВЕТ ХАЛҚИ ВА БУТУН ПРОГРЕССИВ ИНСОНИЯТ ЭНГ БУЮК ИНСОН ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ЗЎР ИФТИХОР БИЛАН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА. БУ САҲИФАДА УЛУҒ ДОҲИЙ ТЎҒРИСИДАГИ ХОТИРАЛАРДАН АЙРИМЛАРИ БОСИЛДИ.

В. А. КАРПИНСКИЙ.

Владимир Ильич пролетар, халқ революциялари даври талаб қилган янги, олий типдаги раҳбар эди.

Владимир Ильич партия йўлбошчиси ва Совет ҳукумати бошлиги сифатида менинг назаримда аввало **ғоят зўр ақл, равшан фикр ва ўткир идрокка эга бўлган инсондир.** У ҳар бир мураккаб, чалкаш воқеа ва ҳодисанинг моҳиятини тезда пайқаб олар ва уни таҳлил қилиб, дарҳол аниқ хулосалар чиқара биларди.

Революция кунларида Владимир Ильичнинг бутун фикри-зикри бир мақсадга йўналар, гениал идроки ғоят ўткирлашиб, мукаммал намоён бўларди. У синфий кучлар нисбатини ва ҳар бир синф ўз олдига қўйган мақсадни аниқ белгиларди. У воқеалар ривожини **олдиндан кўрар,** партия сиёсатини, тактикасини бехато белгилар, ўртага дадиллик билан янги шиорлар ташлар, партиянинг ҳал қилувчи чиқиши узоғи билан қачон бўлиши лозимлигини ҳатто кунигача кўрсатиб берарди.

Кўпинча Владимир Ильичнинг қўлида катта бир воқеа тўғрисида озгинагина маълумот бўлса-да, у бирон кичик тафсилотга асосланиб масаланинг моҳиятини пайқаб оларди.

Владимир Ильич сиёсий арбоб сифатида ҳар қандай саросима, ваҳимадан жуда узоқ эди. У Совет республикаси бошига энг фожиали кунлар тушган вақтларда ҳам қатъий сабот билан зарур тадбирлар кўра билди.

Партия раҳбари сифатида Владимир Ильичнинг яна бир асосий фазилати шу эдики, у **қатъий принципли** киши эди.

— Принципиал сиёсат бирдан-бир тўғри сиёсатдир, — у ана шундай дейишни яхши кўрарди.

Владимир Ильич, ҳатто энг яқин ўртоқлари ҳам нотўғри йўлга кирса, улардан шафқатсизлик билан алоқани узарди. Масалан, у Петербург пролетариати орасида биргалашиб ишлай бошлаган ва бир иш юзасидан қамоқда бирга ётган Мартовдан алоқасини узган эди. У Плехановни жуда қадрласа-да, унга нисбатан ҳам шундай қилган эди.

Владимир Ильич бошданоқ **империалистик урушга ва социал-ватанпарастликка қарши қатъий принципиал, кескин ифодаланган, илмий жиҳатдан асосланган позицияни** эгаллади.

У партиянинг 1918 йилда бўлган VII съездида партиянинг номини ўзгартиришни ва уни бундан буён **Коммунистик партия** деб аташни таклиф қилиб, ўзининг бу позициясини мантиқан охирига етказди.

— Партия ўзининг бундай номи билан, — деган эди Владимир Ильич, — эски расмий социализмдан жуда қатъий, кескин очиқ-ойдин суратда алоқасини узганлигини намойиш қилади.

Партия раҳбари сифатида Владимир Ильичнинг учинчи асосий фазилати—**барча муҳим масалаларни ҳал қилишда коллективчиликка риоя қилишдир.** Шунинг учун ҳам Владимир Ильич партия билан мумкин қадар тез алоқа боғлаш ва ҳар нима қилиб бўлса-да, масалани коллектив ҳал қилишга эришиш учун минглаб хилма-хил тўсиқларни бартараф қиларди.

Революцион пролетариат партияси — Ленинниг **жону дили** эди, у партия билан узвий боғланган эди, ўзини ундан бир дақиқа ҳам ажратмас ва ўзини ҳеч қарама-қарши, ундан юқори қўймас эди.

Ленин марксистик назарияга асосланган коллектив партия раҳбарлигини партия олдида турган барча мақсаддарга эришишда партияни тўла муваффақиятлар билан таъминловчи олий раҳбарлик принципи деб ҳисобларди.

Владимир Ильич партия, совет съездларида, оммавий йиғилишларда, митингларда сон-саноқсиз марта сўзлаган.

Владимир Ильич тингловчилар диққатини, улар сиёсий арбоблар бўладими, олимлар бўладими ёки халқ орасидан чиққан оддий кишилар бўладими — барибир, фақат ўзигагина хос, кишини ҳайратда қолдирувчи тезлик билан батамом ўзига жалб қилиб ола биларди. У ҳар бир аудиторияга яраша гапира билар, шу аудиторияга маъқул тушадиган далиллар келтирар ва баён қилишнинг махсус услубини танлай биларди.

Владимир Ильич рус тилини мукаммал билар ва жуда севарди. Унинг Кремлдаги иш столи ёнида, махсус вертушка-жавонда ҳамиша бошқа справочниклар орасида Владимир Даль томонидан тузилган «Жонли великорус тилининг изоҳли луғати»нинг тўртта қалин томи турарди. Ленин сўзга чиққан пайтларида муҳолифларини изза қилиш учун кўпинча рус халқ мақолларидан фойдаланарди.

Ленинниг ҳар бир нутқи партияга янги-янги порлоқ перспективалар очиб берар, бизга янги куч-қувват бахш этар, олдимизга ойнадек равшан ва асосли янги муҳим вазифалар қўяр эдики, партия ва мамлакатимизнинг келажаги шу вазифаларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўларди.

Владимир Ильич халқни, оддий меҳнаткашларни севарди, у ишчиларга ўз эзгу ниятларини айтиб берар, уларнинг фикрларини ғоят қимматли фикрлар деб биларди.

Владимир Ильич ўртоқ сифатида жуда одамшаванда ва оддий, меҳрибон ва хушмуомала эди. У ўз қўл остида ишлаётган кишиларни, ишчилар ёки деҳқонларни ҳеч вақт сансирамасди. Фақат ўзидан катта одамларгагина, халқ орасида расм бўлиб қолганидек, «сен, отахон» ёки «сен, бобой» деб муомала қиларди.

У оддий кийинарди. Одатда кепка, қишда эса қулоқчин киярди. Ейдиган овқатлари ҳам оддий бўларди, ичкилик ичмасди. Жисмоний меҳнатни севарди. Онда-сонда шаҳардан ташқарида дам олган вақтларида йўлкаларнинг қорини ўзи кураарди.

Владимир Ильич яхши музика эшитишни, кўплашиб ашула айтишни севарди, шахмат ўйнар, конькида учар, велосипед минар, пиёда тоққа чиқарди, ёш болалар билан ўйнашни жуда яхши кўрарди, уларга ўзи ўйинчоқлар сотиб олиб берарди (унинг ўзи бефарзанд эди).

Владимир Ильич камтар, очиқ, ҳазилкаш суҳбатдош эди, у ҳар бир нарсага қизиқарди ва ўзининг машҳур Ленин эканлигини мутлақо кўрсатмас эди.

(Хотиралардан қисқартириб олинди).

В. И. Ленин Москва Қизил майдонида Улуғ Октябрь социалистик революцияси йиллигини байрам қилиш маросимида. 1919 йил 7 ноябрь.

☆

ЛЕНИН ВА ИШЧИЛАР СИНФИ

С. М. КИРОВ

(1924 йил 22 апрелда Боку ташкилотининг партия клуби очилишида сўзланган нутқ)

Ўртоқлар! Сизлар биласизки, унутилмас Ильич ҳаёти тўғрисида сўзламоқ — рус пролетариатининг ҳаёти ва ҳаракати тўғрисида сўзламоқ демакдир. Владимир Ильичнинг бутун шахсий ҳаёти рус ишчилар ҳаракатининг тақдири билан ана шундай чамбарчас чатишиб кетган.

Бундан роппа-роса 54 йил илгари буюк рус дарёси соҳилида бир киши туғилди, бутун дунёни ларзага келтириш шу кишига насиб бўлди. Жаҳон революциясининг ташаббускори — рус ишчилар синфи ҳам шу вақтда туғилиб келаётган эди.

Ленинда жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси бўлиш аломатлари ёшлик чоғидаёқ намоён бўлди. У, эрта ёшлигидаёқ, ажойиб ғояларга берилиб, бутун умрини шу ғояларга бағишлади.

Мария Ильиничнанинг Ленин ҳақида мароқли хотиралари бор: Ленинниг акаси қатл қилингани вақтда, — бу совуқ хабар Ленинни жуда ҳайратда қолдирди. Бунга сабаб қатл қилинган киши Ленинниг акаси бўлганлиги эмас эди. Ленин шу қатл қилинган киши мансуб бўлган народоволячилар партиясининг ишидаги хатоларни кўрди. Лекин бу қатл Ильич дунёқарашининг вужудга келишига таъсир қилмасдан қолмади. Ленин бу хабарни эшитгач: «Йўқ, биз бундай йўлдан бормаймиз. Бундай йўлдан бориш ярамайди», — деди.

Ленин, пролетариат революцион курашининг янги методларини ўша вақтдаёқ ўйлаб қўйган эди. Ильич 25 ёшга етганида Маркс асарларини шундай яхши билар эдики, биз ҳозиргача ҳам уни ленинчалик билмаймиз.

ПРОЛЕТАР РЕВОЛЮЦИЯСИДАН БАШОРАТ БЕРГАН КИШИ

Кураш йўли ва унинг оқибатлари ўша вақтдаёқ унга аниқ-равшан эди — бу йўлга мувофиқ, революцион пролетариат ҳокимиятни ўз қўлига олгандагина кишилик жамияти янги, коммунистик асосларда қайта қурила бошлайди. Лекин бундан 30 йил муқаддам ҳали ҳеч ким бундай деб ўйламас эди, аммо Ильичнинг дастлабки китоблари пайдо бўлганида, келгусида у ўзининг бутун бой ақлини ишлатиши кўпларга аён бўлган эди.

Ильич ўша вақтдан бошлаб революционерлар орасида мустаҳкам раҳбарлик мавқеини эгаллай бошлади. У, аввало, гений эди. У иродасининг кучли бўлиши жиҳатидан ҳам гений эди. Характер жиҳатидан Ленинга тенглашадиган кишини топиш қийин.

Аста-секин у бутун дунё пролетариатининг йўлбошчиси бўлиб етишди. Агар партия тарихини кузатиб борадиган бўлсак, унинг аллақачон обрў қозонганлигини кўрамиз.

МАРКС ВА ЛЕНИН

Ленин Маркс асарларини мағзи-мағзигача яхши билар эди. У ана шу буюк таълимотни ҳамма вақт, сидқидилдан ўрганиб борди ҳамда ўзининг куч ва кашфиётлари учун бу таълимотдан бир манба тарикасида фойдаланиб келди. У Маркс йўлидан борган буюк собит қадам эди.

Бу кишиларнинг яшаган замонлари ўртасида бутун бир давр ўтган. Маркс замонида капитал билан кураш эндигина бошланган эди. Ленин эса, революцион пролетариат синф бўлиб таркиб топган даврда яшади. Ленин Маркс таълимотини ривожлантирди. У, марксизмни татбиқ қилишда рус табиатининг олижаноблиги билан америка амалиётчилигини бир-бирига боғлаб иш кўрди.

НАЗАРИЁТЧИ ВА АМАЛИЁТЧИ

Ленин 150 миллионлик халққа, хусусан деҳқонларга раҳбарлик қилганда, Ленинниг амалиётчилиги унга ёрдам берди.

Чуқур назариётчиликни шу даража чуқур амалий иш билан боғлаб олиб бориш натижасида у жуда улкан, ажойиб бир революционер бўлиб етишдики, дунёда ҳали бундай революционер бўлган эмас.

Ленин Россияда капитализмнинг ривожланиш босқичларини жуда яхши биларди. Ленин пролетариатнинг кичик бир тўдадан ва деҳқонларнинг эса жуда катта кўпчиликдан иборат эканлигини билар эди. 1905 йилда, буржуа революцияси кенгая бориб, кўпимиз гангиб қолган бир вақтда, Ильич деҳқонлар масаласини аниқ ва равшан қилиб қўйди. Ишчи-деҳқонлар иттифоқи зарурлиги онгимизга чуқур сингиб кетди. Социализмнинг чинакам намояндалари фақат ишчилар бўлиши мумкин эканлигига Ильич бир дақиқа бўлса-да шубҳаланмаган эди, лекин шу билан бирга у, пролетариат якка ўзи революция қила олмайди. пролетариат бу революцияни деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб туриб амалга ошира олади, деган хулосага келган эди.

ЛЕНИН ВА ШАРҚ

Владимир Ильич фаолиятида унинг Шарқдаги маълум миллатларга қизиқиб қарағанлигини кўрсатиб ўтмоқ лозим. Ильич бизга бошқа соҳалардаги каби маълум миллатлар масаласида ҳам кўп кашфиётларни очиб берди.

Агар рус мужиги Ленинни отам деса, сариқ, қора танли кишилар ва бошқа иркдаги ҳамма кишилар ҳам уни ўз отамиз дейдилар. Социализм учун жаҳон миқёсида олиб бориладиган курашда Ленин Шарқдаги жуда катта армияни назарда тутди.

Биз капитализм энди ривож топиб келаётган Шарқ мамлакатларида жуда зўр ҳаракат борлигини кўриб турибмиз. Шарқнинг революцион Шарққа айлана олишини фақат доҳий Ильичгина олдиндан кўролди. Бу унинг буюк хизматидир.

ИМПЕРИАЛИСТИК УРУШ ВА РЕВОЛЮЦИЯ

Ильични билганларнинг ҳаммаси, империалистик уруш Ильич дунёқарашининг ривожланишига кучли таъсир қилганлигини таъкидлаши мумкин. Ўша вақтда социал-муросачилар Гильфердинг, Каутский ва бошқалар, уруш чакки бўлмайди, уруш демократия учун қандайдир бир янги давр яратади, деган эдилар. Бу жирканч ҳунрезликка фақат Ильичгина чуқур нафрат билан қаради. У очиқдан-очиқ, капитализм Европа ишчиларининг революцион ҳаракатини қонга ботирмоқчи, деди. Ўша вақтда унинг овози якка-ёлғиз эди. Лекин Цимервальддаёқ унга тарафдорлар топилди. Ҳеч ким урушни Ильич сингари фош қилгани йўқ. Ильич бу уруш сўнги уруш бўлиши учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрди. У: **агар дунё ўз найзаларини ўз золимларига қарши қаратмаса, дунё халок бўлади,** — деди.

Буни эшитган меньшевикларнинг тепа сочлари тикка бўлди. Лекин Ильичнинг иродаси ҳеч қандай тўсиқлик деган нарсани тан олмас эди. Унинг доҳиёна тактикаси самарали бўлиб чиққанлигини ҳозир биз кўриб турибмиз. Ильич ўша вақтдаёқ, меньшевикларнинг мунозарасидан чиқиб кета туриб, пролетариат ҳокимиятни қўлга олаётган вақтда меньшевиклар баррикаданинг нариги томонида турадилар, деган эди. У янглишмади. Ўша вақтдаёқ герман олтинлари ва печатлаб қўйилган вагонлар ҳамда бошқалар тўғрисида разил афсоналар тўқилган эди. Лекин Ильич урушга қарши шиорларини мустаҳкам туриб давом қилдирди ва III Интернационални вояга етказди.

ЛЕНИН — ПАРТИЯНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ

Партиямизнинг тарихи — Ильичнинг ҳаёт ва фаолият тарихидир. Россия Коммунистик (большевиклар) партиясини тузишда Ленин ўзининг буюк ташкилотчи эканлигини кўрсатди. Бизнинг душманларимиз Ленининг ақли расо эканлигига қойил бўлсалар ҳам, лекин унинг ташкилотчилик қобилиятини тан олмас эдилар.

Ленининг башорат қила билиши, жуда ғайрат ва матонатли бўлиши, оппортунизмга қарши курашда раҳмсизлик билан иш кўриши бутун дунёда ғоят буюк партияни ташкил қилишига имкон берди. Бизнинг ажнабий душманларимиз ўзларининг энг ёвуз душмани — бизнинг ташкилотимиз эканлигини жуда яхши биладилар.

Бизнинг партиямизда мустаҳкам кишилар кўп, лекин Ленин сингари кишилар бўлган эмас. Ленин Коминтерига кирганлар олдига жуда қаттиқ шартлар қўярди. У партиямизни жуда ҳам нуфузли қилишга муваффақ бўлди.

Ильичнинг бу улкан ишлари қайд қилинган ҳужжатлар архивлардан олинадиган вақтлар ҳам келади. Лекин Ильичнинг буюк башоратчи эканлигини кўрсатадиган бошқа ҳужжатлар ҳам бор. У империалистик урушни ва Февраль революциясини олдиндан айтиб берди. Февраль революцияси бўлганда, Ильич яна бошқа бир революция етилиб келмоқда, у революция ишчи ва деҳқонларни инглиз ва француз капиталига қарши олиб боради, деб ёзди. У янглишмади.

Халқаро революцион ҳаракатни ўрганиш—Ленининг ўзини ўрганишдир, деб айтмоқ мумкин.

ИНСОНПАРВАР ВА ДЎСТ

Ленининг инсонпарварлиги тўғрисида бир неча оғиз сўз айтай. Бизнинг ҳеч биримиз бундан ҳам самимий ва дилкаш кишини учратмаганмиз. У ҳар тарафлама билимдон киши эди. У ҳар бир кишининг дилидаги айни муддаосини топиб айтар эди. Ленининг самимийлигини билмаган бирон партия аъзоси бормикин?

Ўртоқлари билан жамоат жам бўлганида, у ҳамманинг дилидагини билиб турар, лекин уни бировга билдирмас эди. У ҳамма вақт хушмуомала ва улфат эди. У ишчи ва деҳқонлар билан майда-чуйдалар устида ҳам узоқ-узоқ гаплашарди. Ҳатто душманларимиз ҳам Ильичга қойил қолар эдилар.

Инсониятни ҳеч ким Ильичдек яхши билмас эди, унинг революция ишларида дадил бўлишига ҳам сабаб шу эди, деб билмоқ керак.

ПАРТИЯДА ИЛЬИЧ РУХИНИ САҚЛАЙЛИК

Ленин вафот қилди. Лекин у, орамиздан кетганида, ғоят буюк ишини фақат хомаки суратдагина тамомлаган эди.

У бўлажак социалистик тузумга пойдевор солди. Коммунистик партияда ўсиб вояга етган ҳар биримиз Ильичнинг бу раҳбарлик қўлини сезиб турамиз.

Агар биз партияда Ильич руҳини сақлай олсак, у қура бошлаган бинони охирига етказамиз. Ҳар ҳолда, ҳозир бизга анча енгил. Бизнинг қўлимизда ишончли, синалган партия компаси бор, шунинг учун биз йўлни топиб оламиз.

Ильич бизга: ваҳший капитализм ишчи ва деҳқонларни бундан кейин яна жанг майдонига ташламаслиги учун олға, яна олға боринглар,—деб таълим бериб келди.

Биз ундан қолган меросдан Ленинизм яратамиз. Келажак учун йўл фақат битта, у ҳам бўлса ленинизмни ўрганмоқдир.

Йўлбошчимизнинг ғайрат ва шижоатидан ибрат олайлик, кишини қул қиладиган ва хўрлайдиган ҳамма нарсаларга бутун вужудимиз билан нафрат ёғдирайлик.

(«В. И. Ленин ҳақида хотиралар» тўпламидан олинди).

Меҳнат орденини қабул этинг

(Хоразм халқ совет республикаси марказий ижроия комитетидан)

(1922)

РСФСР ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ В. И. ЛЕНИНГА

Қадрли ўртоқ!

Сизга шуни қувонч билан хабар қиламизки, биз Совет Хоразмини тинч йўл билан қуришга киришдик. Биз Сизнинг маслаҳатларингизга қатъий амал қилиб, чор ҳукумати зўр бериб авж олдирган туркман-ўзбек низоларини тугатишга ва Хоразмдаги ҳамма халқларни ягона қардошлик оиласига бирлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Биз Сизнинг маслаҳатларингизга амал қилиб деҳқонлар ҳаётини яхшилаш чорасини кўрмоқдамиз. Сизнинг сўзларингиз қалбимиздан чуқур жой олган. Биз ўз саноатимизни ташкил этиш билан шуғулланмоқдамиз. Собиқ чор мустамлакачилик сиёсати саноатни ривожлантиришга йўл қўймаган эди. Биз ишда ҳам Сизнинг янги иқтисодий сиёсатингизни кўрсатмаларга амал қилмоқдамиз. Хоразм революциясининг икки йиллиги муносабати билан биз ўз меҳнат қахрамонларимизни мукофотлаш учун Меҳнат орденини таъсис этдик. Азиз ва жонажон устозимиз, Марказий Ижроия Комитетининг қарорига биноан шу орденни қабул қилиб олишингизни ва кўп йиллик қулликдан кейин Шарқда меҳнатнинг озод бўлганлигини кўрсатадиган символ тарзида тақиб юришингизни сўраймиз.

Яна қул бўлгандан ўлган яхшироқ

Витебск губернаси Режицк уезди қишлоқ камбағаллари вакилларининг йиғилишидан

1919 йил 4 январь.

Москва, Кремль, Ленинга.

Қишлоқ камбағаллари вакилларининг Режицк съезди ҳамма мамлакат ва миллатларнинг камбағал ва мазлумларини ҳимоя қилувчиси Сизни табриклайди.

Бутун дуиё буржуазияси ҳомийлари — оқгвардиячилар зулмини бошимиздан кечирган биз қишлоқ ва шаҳар камбағаллари бутун дуиё пролетарлари олдида шуни айтамизки, оқгвардиячиларга қарши охирги томчи қонимиз қолгунча курашамиз ва текинхўрларнинг қонхўрларнинг яна қули бўлиб қолгандан кўра ўлишни афзал кўрамиз.

Съезд раиси ГАЕВСКИЙ.
Секретарь Т. КИВКУЦАН.

Шахтёрлар кучларини аямайдилар...

Нестеров конларининг шахтёрларидан

1922 йил, 6 ноябрь.

Донбасс
Москва, Халқ Комиссарлар Совети, Ленинга.

Қадрли Владимир Ильич!

Биз, Юзовск давлат заводи Нестеров конларининг шахтёрлари конлардан ўз қизғин саломимизни йўллаймиз... Биз, донецклик шахтёрларни унутма, биз ҳам совет ҳўжалигининг қад кўтараётган саноатини тиклаш учун бутун к у ч и м и з н и сарфлаймиз.

ДЕҲҚОНЛАР БИЗ БИЛАН

26 октябрда тинчлик тўғрисида Декрет қабул қилингандан кейин Советларнинг иккинчи съезди ер масаласини ҳал қилди. Ленин нутқ сўзлади. Ер ҳақидаги Декрет бир овоздан қабул қилинди.

— Яна деҳқондан ерни тортиб олишга энди уриниб кўришсинчи! — деди Владимир Ильич ўзининг эрталабки сўзини такрорлаб. — Аграр революция амалга ошди! Эндиликда деҳқонлар биз билан бўладилар ва пролетариат диктатураси мустаҳкамланиб, енгилмас бўлиб қолади.

Съезд ёпилгандан кейин Владимир Ильич кувноқ ва тетик ҳолда энг яқин ўртоқларининг ҳаммаси билан хайрлашиб, мен билан бирга квартирага жўнади. У овқатланиб бўлгач, ўрнига бориб ётди...

В. Д. БОНЧ-БРУЕВИЧ.

Хотиралардан.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИ КЎКРАК БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ!

Жануби-Шарқ темир йўли Борисоглебск районн темир йўлчи ишчиларининг йиғилишидан. Тамбов губернаси, Борисоглебск шаҳри.

1918 йил 15 июль.

Москва, Халқ Комиссарлар Совети,

Халқ Комиссарлари Советининг раиси ўртоқ Ленинга

Биз Борисоглебск районининг хизматчилари, мастеровойлари ва ишчилари ўртоқ Петровнинг) Совет ҳокимиятини, Царицин линиясини ҳимоя қилиш ҳақидаги буйруғини тинглаб, Халқ Комиссарлар Советига табрик йўллаймиз ва хабар қиламизки, Халқ Комиссарлар Совети шуни билсинки, биз жойларда Советлар ҳокимиятини ва бизни Жануб билан бирлаштирадиган ана шу бирдан-бир темир йўл линиясини кўкрак билан ҳамда бутун кучимиз билан ҳимоя қиламиз. Бу йўл очарчиликдан қийналаётган Шимолга ғалла, нефть, керосин — хуллас ишчиларга ва саноатга зарур бўлган маҳсулотларни етказиб бермоқда.*

Икки мингдан кўпроқ ишчи қатнашган умумий йиғилиш.

Йиғилиш раиси ХЛАМОВ.

Боку районининг Комиссари ПЕТРОВ.

*) Г. К. Петров — 1918 йил 20 сентябрда Красноводскдан 207 чақирим нарида қум саҳросида инглиз интервентларининг буйруғига биноан отиб ташланган 26 Боку комиссаридан бири. 1918 йил июлда Совет ҳукуматининг Фармойишига биноан Г. К. Петров бошлиқ отряд Бокуга юборилган ва у йўлда Борисоглебскда бўлган эди.

ҚАРДОШ, ҚЎШНИ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

40 МИНГ ТОННА ГЎШТ

Қозоғистоннинг чорва молларни бўрдоқига боқадиган совхозлари қиш ичида беш минг тонна устама мол, қўй ва чўчқа гўшти олишни мўлжаллаб қўйдилар. Республикада ҳозирги вақтда ана шундай хўжаликлардан 86 таси ва қанд ҳамда озиқ-овқат саноатининг бошқа корхоналари ҳузурида молларни бўрдоқига боқадиган 51 пункт ишлаб турибди. 29 минг бош қорамол ва 30,5 бош чўчқа бўрдоқига боқилмоқда.

Қозоғистоннинг чорва молларни бўрдоқига боқадиган хўжаликлари ўтган йили давлатга 32,5 минг тонна устама гўшт берди. Етти йилликнинг иккинчи йилида молларни бўрдоқига боқадиган яна 20 та янги совхоз ташкил қилиниб, мамлакатга 40 минг тоннадан кўпроқ гўшт бериш мўлжаллаб қўйилди.

ҚУРИҚДА ПОСЕЛКАЛАР

Янги йилнинг дастлабки кунларида Тожикистоннинг Пархор районидаги «Коммунизм» қишлоқ хўжалик артели аъзоларидан яна бир группаси обод уйларга кўчиб кирди. Бундан сал вақт олдин пахтакорлардан 75 оила янги уйларга кўчиб кирган эди. Пархор-Чўбак водийсидаги ботқоқлар ва тўқайзорлар ўрнида эндиликда яхши планлаштирилган колхоз посёлкаси қурилди.

Кейинги йиллар ичида Шарқи Жанубий Тожикистонда йигирматага яқин ана шундай посёлка бунёдга келди. Бу посёлкаларда мингларча оила яшамоқда.

1959 йилда бўлинмас фондлар маблағларидан ва давлатдан берилган қарзга Шарқи-Жанубий Тожикистон колхозларида уй-жой қурилишига қарийб ўттиз миллион сўм сарф қилинди. Яқин йиллар ичида уй-жой қурилиши тағин ҳам кўпроқ кулоч ёяди. Етти йилликнинг охирига бориб ҳар бир колхоз хонадонининг яхши, замонавий уйи бўлади.

ҚОР БЎРОНИ

Колхоз мулкини сақлаб қолишда жасурлик ва фидокорлик кўрсатганлиги учун комсомол чўпон Хўжамат Жақибалиевни мукофотлаш тўғрисида Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинди.

...Бу воқеа янги йил арафасидаги кунлардан бирида юз берди. Аламедин районидаги Куйбишев номли қишлоқ хўжалик артелининг ёш чўпони Хўжамат Жақибалиев қўй подасини яйловга ҳайдаб борар эди. Об-ҳавонинг ёмон бўлишидан бирон дарак йўқ эди. Чу-Или тоғ тизмаси уфқда кўкариб кўзга ташланар, қуёш хира нур сочиб турар эди.

Бирдан тоғ ортидан пастгина қора булутлар кўринди. Ел бўрон бошланиб кетди. Утовлар жойлашган томон юришнинг иложи йўқ эди. Қаттиқ шамол ҳайвонларни йиқитар эди. Қўралардан узоқлашиб, подани шамол томонга ҳайдашга тўғри келди. Хўжамат вақт ҳисобини йўқотиб қўйди. Кечаси йўлда похол ғарами учради. қўй подаси шу ерда бекиниб турди. Чўпон бутун тун бўйи отдан тушмади. У, ҳайвонлар ётмасин деб, уларни доим қимирлатиб турди.

Индинига колхоздан ёрдам келди. Хўжамат қаттиқ совуқ еган эди. Аммо у 523 бош қўйнинг ҳаммасини сақлаб қолди. Ҳозир ёш ватанпарвар согайиб бормоқда.

Қозоғистон КП Марказий Комитетининг пленуми

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Пленум Н. И. Беляевни Қозоғистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди. Қозоғистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб Д. А. Кунаев сайланди. Н. Н. Родионов Қозоғистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари ва Бюро аъзоси қилиб сайланди. Т. И. Соколов Қозоғистон КП Марказий Комитетининг секретари ва Бюро аъзоси қилиб сайланди.

Қозоғистон КП Марказий Комитетининг пленуми ишида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. И. Брежнев қатнашди.

Қозоғистон ССР Олий Советининг сессияси

Қозоғистон ССР бешинчи чақириқ Олий Советининг IV сессияси бўлиб ўтди. Д. А. Кунаев Қозоғистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлангани муносабати билан сессия уни Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раислиги вазифасидан озод қилди.

Сессия депутат Ж. А. Ташеневни Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод қилиб, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлади.

Сессия Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раислигига Ф. Қ. Қарибжоновни сайлади.

КПСС МК ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ БАЖАРАМИЗ

ЯНАДА ЯХШИРОҚ ИШЛАЙМИЗ

Наманган шаҳридаги «III интернационал» трикотаж артелининг моҳир ишчиси Клавдия Андреевна Тюрина коллективнинг катта ҳурматига сазовардир. У кунлик иш нормаларини икки ҳиссага етказиб адо этмоқда. СУРАТДА: К. Тюрина иш бошлаш олдидан станокни кўздан кечирмоқда.

Х. Раҳмонов фотоси.

ТУРСУНОЙ ИЗИДАН

Техникани ўрганишга ҳавас катта

САМАРҚАНД, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Областнинг колхоз ва совхозларида бу йил 126 минг гектар майдонда ғўза кетмонсиз, механизация воситаси билан ишланади ва 50 минг тонна пахта ҳосили машинада териб олинади. Бу мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун механизаторлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ҳозирданоқ катта эътибор берилмоқда.

Пастдарғом районининг хотин-қизлари ўз йиғилишларида атоқли механизатор Турсуной Охунованинг ватанпарварлик ҳаракатига қўшилишга қарор бериб, областдаги барча хотин-қизларга мурожаат қилдилар. Район бўйича 25 колхозчи хотин-қизлар турсунойчасига ишлаш истагини билдириб, техникани ўрганишга киришдилар. Район механизаторлари бу йил 13 ярим минг гектар майдонда ғўзани кетмонсиз ишлаш ва камида 5500 тонна пахтани машинада териш мажбуриятини олдилар.

Жиззах районидаги «Москва» колхозининг турсунойчи қиз-жувонлари колхозда ташкил этилган агротехника ўқувига актив қатнашмоқдалар. Ўқишга бригадирлар ва механизаторлардан 240 киши жалб этилди. Иштихон районидаги «8-Март», Норпой районидаги «Победа», Карл Маркс номли колхозларда хотин-қизлар техникани зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Область комсомол комитетига комплекс механизациялашган бригадаларга ишга юборишни истаб қиз-жувонлардан 200 дан ортиқ ариза тушди.

РЕМОНТ ТЕЗЛАТИЛДИ

Амударё районидаги «Манғит» совхозида тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилиш тезлатилди. Механизаторлар ва ремонт ишида қатнашаётган бошқа ишчилар ғайрат билан ишлаб, ҳозиргача 37 та универсал трактори, 18 та ДТ-54 маркали трактор ва кўпгина борона ва чизелларни ремонтдан чиқардилар.

У. ИСКАНДАРОВ.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШИРИЛАДИ

КОГОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Бухоро областининг камҳосилли Когон районида кейинги икки йил ичида ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосили 6—7 центнер кўтарилди. Калинин номли, Сталин номли колхозлар ўтган йили шўрҳок ерларда гектаридан 20—25 центнердан ҳосил етиштирдилар. Бир неча бригадалар янада яхши натижаларга эришдилар.

— Бизнинг шароитимизда,— деди «Когон» совхозининг 5-бўлим бошқарувчиси ўртоқ Очилов,— ернинг ҳосилдорлигини ошириб, пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун зарур резерв ва имкониятлар бор. Территориямизда Когон «Заготскот» базаси жойлашган. Эски девор тупроқлари, ариқлардан қазиб чиқарилган лойқалар кўп. Бўлим ишчилари 1959 йилда ана шулардан унумли фойдаланиб, ернинг ҳосилдорлигини оширдилар. Гектаридан олинадиган ҳосилни 13 центнердан 20 центнерга кўтардилар.

Бўлим ишчилари ва механизаторлари республика қишлоқ хўжалик ходимларининг социалистик мажбуриятларини зўр хурсандчилик билан маъқуллаб, етти йилликнинг иккинчи йилида пахта ҳосилини янада оширишга отландилар. 830 гектар ер шудгор қилиб қўйилди. Ҳайдаш олдидан гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Бўлимдаги 10 та бригада йириклаштирилиб, 6 тага келтирилди. Шундан 5 таси трактор-далачилик бригадаси қилиб тузилди. 27 чопиқ трактoридан 17 таси ремонтдан чиқарилди. 22 сеялка 60х60 сантиметрлик қилиб мослаштирилди.

Шу кунларда бўлим ишчилари маҳаллий ўғит тўплашни қизғин давом эттирмоқдалар. 23 арава, уч автомашина отхона ва молхоналардан, «Заготскот» базасидан маҳаллий ўғит ташишга сафарбар қилинган.

«Коммунизм», Охунбобоев номли, Калинин номли колхозларда ҳам қишлоқ хўжалик ходимларининг мажбурияти баланд руҳ билан кутиб олинди. Калинин номли колхоз аъзолари бу йил республикамиз пахтакорларининг 3 миллион 170 минг тоннасига муносиб ҳисса қўшиш учун гектаридан 30 центнердан, шу колхознинг Назрибобо Сайфуллаев бошлиқ бригадаси 40 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олдилар.

МАРРА — ҚИРҚ

1959 қишлоқ хўжалик йилини яхши натижалар билан якунладик. 1130 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта олиб, ҳосилдорлик жиҳатидан Андижон областида биринчи ўринни эгалладик. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларидан руҳланган колхозчиларимиз эришилган муваффақиятни мустаҳкамлаш, бу йил янада мўл ҳосил етиштириш учун ғайратга ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Ўтган йили ғўзани кетмон ишлатмай, техника ёрдами билан парвариш қилиб ҳосил етиштирганлигимиз натижасида бир центнер пахтанинг таннархи сметадаги 169 сўм ўрнига 162 сўмга келтирилди. Бу —1958 йилдагидан 10 сўм камдир. Бир центнер пахта етиштириш учун эса 4,8 меҳнат куни сарфланди. Луқмон Исломов, Искандар Ёқубов, Тожиали Жумабоев бошлиқ бригадалар ҳар гектар майдондан 40—46 центнердан ҳосил етиштириб, бир центнер пахтанинг таннархини 141—156 сўмга туширдилар. Ўтган йили тузилган 8 та трактор-далачилик бригадасининг кўрсаткичлари айниқса қувончлидир. Бу бригадаларда пахта ҳосили 1958 йилгидан гектарига 3,15 центнердан кўпайди. Мана шулар туфайли, колхозимиз пахта етиштириш бўйича 1965 йил даражасидан ўтиб кетди.

Бу йилги режамиз жуда катта. 17 та далачилик бригадасини ишчан коммунистлар ҳисобига мустаҳкамладик. Ерлар сифатли қилиб шудгорлаб қўйилди. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга белгиланган миқдорда фосфор солинди. Ҳозир қишки тадбирлар амалга оширилмоқда. Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда 15 автомашина, 17 арава, 2 та прицепли трактор ишлатир. Кунига дала бошига 50—60 тоннадан гўнг чиқарилиб, махсус гўнгхоналарга кўмиб қўйилмоқда. Ҳаммаси бўлиб далага 4,5 минг тонна гўнг чиқарилди. Колхоз территориясидаги 34 километрлик катта, 23 километрлик шох ариқлар тозаланди, 1,5 километр узунликдаги зовур кавланди.

Колхозимизда 2 ойлик механизаторлар курси ташкил қилинди. Бунда 24 йигит-қиз ўқимоқда. Тез кунларда уларнинг сафи яна кўпаяди. Бунинг афзаллиги шундаки, колхоздан бошқа томонларга ўқишга борадиган ёшлар учун сарфланадиган маблағ (колхоздан бундай ўқувчиларнинг ҳар бирига 4000 сўмдан пул бериларди) тежаб қолинмоқда. Уларга Ҳаким Сулаймонов бошлиқ тажрибали механизаторлар ўз касбларини ўргатмоқдалар.

Баҳорги экишга 18 экипаж составини тайёрлаб қўйилди, уларга 90 киши жалб этилди. Тез кунларда улар квадрат-уялаб экиш, икки томонлама ишлаш ҳақида дарс тингладилар. Шу тадбирларни амалга ошириш натижасида 1960 йили пахта ҳосилдорлигини янада ошириб, 40 центнерга етказамиз, ҳар центнер пахтанинг таннархини 155 сўмга келтирамиз.

Зокиржон СОБИРОВ.

Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг раиси.

Озарбайжон адабиётчилари ва санъаткорлари республикамиз ҳаёти билан яқиндан танишмоқдалар. Улар пойтахт саноат корхоналарида, атроф колхозларда бўлдилар. Суратда: Озарбайжон ёзувчилари «Ташсельмаш» заводи цехларида.

В. Салов фотоси.

ҲАММА КОЛХОЗЛАР МОЛЛАРНИ БЎРДОҚИГА БОҚМОҚДА

АНДИЖОН, 21 январь. (ЎзТАГ). Областнинг колхоз ва совхозларида молларни бўрдоқи қилиш пунктлари ташкил этилди. Бу пунктлар учун бинолар ажратилди, концентрат қилинган озуқалар запаси ғамланди, малакали ходимлар танланди.

Ҳолдевонбек районидаги Сталин номли ва Охунбобоев номли колхозларда йирик ва майда молларни бўрдоқи қилиб боқиш аъло даражада ташкил этилди. Бу колхозларда район бўйича молларнинг энг яхши семиришга эришилди. Ҳайвонлар мунтазам суратда тортиб турилмоқда, зооветеренария ходимлари ҳайвонларнинг бир суткада семириш ҳисобига қараб уларга бериладиган овқат рационларини тартиблаштирмоқдалар. Бундай тартиб мазкур хўжаликларга молларни муддатидан илгари бўрдоқи қилиб боқишни таъминлайди.

Сталин районидаги Калинин номли колхозда чўчқаларни семиртириб боқиш жуда самарали ташкил этилган. Бу колхозда Ярослав Чиж ташаббусига қўшилган Нина Гавриловна Бабич ишламоқда. Бабич мамлакатнинг донгдор чўчқа боқувчисидан ўрнак олиб, бу йил 350 чўчқани бўрдоқи қилиб боқиш ва ками билан 400 центнер гўшт етиштириш мажбуриятини олди. Ҳозир ҳар бир ҳайвон суткада ўрта ҳисоб билан 500—600 грамм семирмоқда.

Областдаги кўп хўжаликларда ёш молларни ўстириш ишлари бошланди. Шу мақсадда шаҳар аҳолиси ва колхозлардан 17 мингтадан ортиқ бузоқ сотиб олинди.

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

Я. С. ЧИЖГА БАҒИШЛАНГАН СТЕНД

Яқинда Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Украина ССР павильонида Львов область, Золочевский районидаги Шевченко номли колхознинг чўчқабоқари Я. С. Чижнинг иш тажрибаларига бағишланган янги стенд пайдо бўлди. Ўтган йили бир центнер чўчқа гўшти етиштириш учун атиги 224 сўм сарфлаган ана шу чорвадорнинг номи бугунги кунда бутун мамлакатда машҳурдир. Ҳозирги вақтда ҳамма ерда ўртоқ Чиж издошларининг сафлари ўсиб бормоқда.

Кўпгина кишилар стенд олдида тўхтаб қоладилар. Уларга оддий украин кишисининг ёқимтой чеҳраси фотосуратдан қараб турибди. У иш билан банд. Ташаббускор колхозчи ўзининг сертаъвшш ишига қанчадан-қанча ғайрат-шижоат, чаққонлик, муҳаббат сарфлади. Чўчқаларни оҳурсиз боқиш, хом озуқалардан фойдаланиш, сув билан таъминлашни, озуқаларни тайёрлаш ва уларни тақсимлаш ишларини механизациялаш ўз самарасини берди. Ўртоқ Чиж илғор иш методларини қўлланиб, чўчқачиликни колхоз ишлаб чиқаришининг сердаромад тармоғига айлантирди.

(ТАСС).

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида таъкидланишича, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида аҳоли орасида касаллик анча камайди, ўлиш тўрт баравардан зиёдроқ озайди, болалар орасида ўлиш эса қарийб етти баравар камайди. Совет кишиларининг ўртача умри икки баравардан зиёдроқ узайди.

Бу муваффақиятга партия ва ҳукуматимизнинг халқ саломатлиги тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлиги ва меҳрибонлиги туфайли эришилди. Ҳозирги кунда касалхоналарда, поликлиникаларда, медицинанинг бошқа шохобчаларида ажойиб врачлар ишламоқда. Улар аҳолининг соғлиғини сақлаш, турли касалликларни йўқотиш устида катта ижодий ишлар олиб бормоқдалар. Янги қаторга асосан, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш янада яхшиланади. Энди медицина муассасалари ва илмий-текшириш институтлари муҳим проблематик илмий ишларни олиб борадилар. Бу илмий ишлар киши саломатлиги учун хизмат қилади. Бизнинг институт коллективи ҳам ана шу муҳим қарорни чуқур ўрганиб чиқиб, бутун кучини халқ саломатлиги йўлига бағишлайди.

Яқин келажакда яна кўпгина касалликларнинг йўқотилишига, касалликнинг кескин камайтирилишига эришамиз.

УКТАМ ОРИПОВ,

республикада хизмат кўрсатган врач, Самарқанд медицина институтининг доценти.

ШЎР ЮВ, ЯХОБ БЕР, ГЎНГ ЧИҚАР!

(20 январга процент ҳисобида)

Областлар	Шўр ювиш	Яхоб бериш	Гўнг чиқариш
Тошкент	58,6	28,8	18 7
Фарғона	18,3	46 5	39,9
Наманган	34.4	37,4	28 1
Андижон	27,2	35,2	23 6
Самарқанд	4.7	14 8	21,4
Бухоро	30,2	—	40,6
Қашқадарё	20 0	21,0	38,2
Сурхондарё	85,0	58,8	41,0
Хоразм	—	—	41 6
Қорақалпоғистон АССР	—	—	16,1

ҲУРМАТЛИ СОВЕТ МЕҲМОНЛАРИНИНГ ҲИНДИСТОНДА БЎЛИШИ

ДЕҲЛИ, 21 январь. **ТАСС мухбири В. Кондрашев** хабар беради:

Бугун эрталаб К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов ва Е. А. Фурцева Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби Гандининг жасади қуйдирилган жой — Ражгхатга бордилар ва гулчамбар қўйдилар. Сўнгра совет меҳмонлари Ражгхатда кўчат ўтқаздилар. Кўчат ўтқазиш Ҳиндистонга келувчи ҳурматли меҳмонлар учун традиция бўлиб қолган. К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов ва Е. А. Фурцевалар билан бирга В. В. Кузнецов, Н. Н. Данилов, А. И. Имомов, В. И. Лихачев, В. И. Авилов, В. Я. Чекалов, шунингдек СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов ҳам бор эдилар.

Дарахт ўтқазиш вақтида К. Е. Ворошилов бундай деди: «Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик қандай ўсаётган бўлса, бу дарахт ҳам шундай ўссин».

Сўнгра К. Е. Ворошилов, Е. А. Фурцева ва уларнинг ҳамроҳлари халқаро қишлоқ хўжалик виставкасига жўнаб кетдилар. Виставкада уларни Ҳиндистон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги министрлигидаги давлат министри П. Ш. Дешмукх кутиб олди. Виставкага келишингиз билан бизга кўрсатган ҳурматингиз учун жуда миннатдорман, деди у. П. Ш. Дешмукх меҳмонларни ҳинд фермерларининг ўзи раислик қилаётган форуми номидан табриклади ва виставка павильонларини томоша қилишга таклиф этди.

К. Е. Ворошилов жавоб нутқи сўзлаб, виставкани келиб кўриш имконияти берилганлиги учун ташаккур изҳор қилди. Биз, совет кишилари, деди у, бу ерга, Ҳиндистон пойтахтига дўстлик миссияси билан меҳмон бўлиб келдик ва ҳинд халқининг бизни самимий кутиб олганлиги учун астойдил миннатдормиз.

Меҳмонлар «Бугунги Ҳиндистон» павильонига кирдилар ва Ҳиндистон экономикаси ҳамда қишлоқ хўжалигининг ривожланишига бағишланган стендларни кўздан кечирдилар. Сўнгра улар Уттар Прадеш штати павильонини кириб кўрдилар, бу ерда уларга эҳтиром совғалари тақдим этилди. Е. А. Фурцева виставкадан кета туриб, ҳурматли меҳмонлар дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди: «Виставкада ҳинд халқининг муваффақиятлари жуда яхши кўрсатилган. Янги ҳаёт қуришда Ҳиндистон халқига янада муваффақиятлар тилаймиз».

Кунниг биринчи ярми охирида К. Е. Ворошилов, Е. А. Фурцева ва уларнинг ҳамроҳлари рассом С. Н. Рерихнинг суратлари виставкасини бориб кўрдилар.

ДЕҲЛИ, 21 январь. (ТАСС). Бугун Ҳиндистон бош министри Ж. Неру К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов, Е. А. Фурцева ва ҳамроҳларининг Ҳиндистонда бўлишлари муносабати билан зиёфат берди. Зиёфат дўстона, самимий вазиятда ўтди.

Халқаро қишлоқ хўжалик виставкасидаги Совет павильонида Совет Иттифоқининг миллий куни ўтказилди. К. Е. Ворошилов, Ҳиндистон президенти Р. Прасад, бош министр Ж. Неру, Ф. Р. Козлов, Е. А. Фурцева бу ерга келдилар.

Меҳмонлар павильонни кўздан кечирганларидан кейин павильоннинг очиқ театрига ўтдилар, бу ерда митинг бўлди.

Митингда К. Е. Ворошилов қисқача табрик нутқи сўзлади.

К. Е. Ворошилов Ҳиндистон экспонатлари ўзида катта таассурот қолдирганлигини таъкидлаб, бундай деди:

Биз дўстона ҳинд халқига ва Ҳиндистон ҳукуматига қишлоқ хўжалигида, шунингдек саноатни, транспортни ва бутун миллий экономикани ривожлантиришда чин қалбдан янги муваффақиятлар тилаймиз.

Биз, деди К. Е. Ворошилов, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги бузилмас дўстлик ҳинд ва совет халқларининг бахт-саодати йўлида яшнаб, равнақ топишини қизғин истаймиз!

Сўнгра Ф. Р. Козлов сўзлади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳар томонлама халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, деди Ф. Р. Козлов, давлатлар ўртасида ҳамжиҳатликни ва дўстликни мустаҳкамлаш учун, халқларнинг фаровонлигини ошириш учун ғоят муҳим ишдир. «Сиҳат-саломатлик энг яхши дўстдир, очарчиликдан ёмон офат йўқдир», деган қадимий ҳинд мақоли жуда тўғри.

Биз виставкадаги Совет павильони катта эътиборни жалб этиб, зўр қизиқиш туғдирганлигини билиб мамнун бўлдик, деб давом қилди у. Биз буни ҳиндларнинг совет халқига бўлган дўстона туйғуларининг ифодаси деб ҳамда мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган муваффақиятлари сизнинг мамлакатингизда маълум эканлигининг далолати деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалигимизнинг муваффақиятларига, деди Ф. Р. Козлов, Совет Иттифоқида қудратли саноат ва унинг негизи — оғир индустрия вужудга келтирилганлиги туфайли эришиш мумкин бўлди. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг юқори унумли бўлиши учун унинг ходимлари агротехника ва зоотехника асосларини кенг равишда билишлари шарт. Бизнинг колхоз ва совхозларимизда ҳозир 300.000 дан ортиқ олий ва ўрта маълумотли мутахассислар ишламоқда.

Совет халқи ўз тажрибасини, ўз ютуқларини ҳинд халқи билан қардошларча баҳам кўришга ҳамиша тайёр эканлигини, у ҳинд халқига чуқур ва самимий ҳурмат билан қараганлигини бу ерда такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деди Ф. Р. Козлов.

Ф. Р. Козлов «совуқ уруш» музлари эриб кетаётган ва ҳамжиҳатликнинг ёруғ ниҳоллари қатъий ўсиб чиқаётган ҳозирги вақтда тинчликни ва кишиларнинг бахт-саодатини қадрловчилар ана шу ниҳоллардан халқлар дўстлигининг қудратли дарахти ўсиб чиқишни учун уларни авайлаб ва сабр-тоқат билан парвариш қилишлари лозим, деб таъкидлади. Барча мамлакатлар ўртасида муносабатларнинг яхшиланишига, ўзаро манфаатли савдо-сотиқнинг йўлга қўйилишига, маданий, илмий ва савдо алоқаларининг кенгайтирилишига эришиш учун қатъий равишда ва сабр-тоқат билан ҳаракат қилиш — барча халқларнинг, барча тинчликсевар давлатларнинг вазифасидир.

Совет Иттифоқи бунга эришиш учун қатъий ва тинмай ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг ўз Қуролли Кучларини бир ўзи яна камайтираётганлиги мамлакатимизнинг зўр бериб қуроллашишга ҳотима берилишига амалий ишлар билан ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканлигини бутун дунёга кўрсатиб турибди.

Улуғ ҳинд халқи ва Ҳиндистон ҳукумати тинчлик ва тараққиёт йўлидан оғишмай боришга қатъий бел боғлаганлигига ишонамиз, деди Ф. Р. Козлов пировардида.

Тинчлик учун курашдаги кучгайратимиз янада қудратли бўлсин! Совет-ҳинд ҳамкорлиги халқларимизнинг фаровонлиги, равнақи ва бахт-саодати йўлида, ер юзида тинчлик йўлида мустаҳкамлансин ва ўсиб борсин!

Сўнгра митингда Ҳиндистон президенти Р. Прасад сўзга чиқиб, бундай деди:

Мен шу катта виставкада кўрадиганларимизнинг ҳаммаси бизга анча фойда беришига тамомила аминман. Яқиндагина мен рус павильонини кўздан кечирдим ва у ерда жуда ва жуда катта тараққиётга эришилганига қаноат ҳосил қилдим ва мен бу виставкани кун сайин келиб кўраётган минглаб кишиларимиз ана шу ва бошқа павильонларда кўрадиган нарсалар уларга жуда фойдали бўлишига тўла аминман.

Мен президентнинг жуда самимий сўзлари ҳамда кўп марта изҳор қилган жуда олижаноб туйғулари учун ундан астойдил миннатдорман. Биз ҳам худди шундай туйғулар билан тўлиб-тошганлигимизга уни яна ишонтира оламан. Агар биз тинчликни сақлашда ва унга ёрдам беришда инсониятга бирор йўл билан кўмаклаша олар эканмиз, ўз тақдиримизни мурувватли деб ҳисоблаймиз.

СОВЕТ ДАВЛАТ АРБОБЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АҚШГА БОРАДИ

АҚШ штат губернаторлари конференциясининг ижроия комитети АҚШ штатлари бир группа губернаторларининг 1959 йил июнь-июль ойларида Совет Иттифоқига қилган сафарларига жавобан, Америка Қўшма Штатларига келиш ҳақида иттифоқчи республикаларнинг ва Совет Иттифоқи областларининг бир группа раҳбар арбобларига таклифнома юборди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Совет давлат арбоблари делегацияси АҚШга январь ойининг охирида жўнаб кетади. Делегация составида қуйидагилар бор: РСФСР Министрлар Советининг Раиси Д. С. Полянский (делегация раҳбари), Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Д. А. Кунаев, Министрлар Советларининг раислари: Н. Т. Кальченко (Украина ССР), Г. Д. Жавахишвили (Грузия ССР), М. А. Искандаров (Озарбайжон ССР), меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг раислари: Н. И. Смирнов (Ленинград области,) В. И. Конотоп (Москва области), С. В. Ладейщчиков (Омск области), И. В. Бобков (Рязань области), И. С. Панькин (Сталинград области), В. Б. Трунов (Витебск области), Х. Жалилов (Тошкент области).

ҲАМ ҚУДРАТЛИ, ҲАМ МЎЛЖАЛЧИ

ТАСС АХБОРОТИ ҲАММАНИ ҚИЗИҚТИРМОҚДА

ГО МО-ЖО ТАБРИГИ

ПЕКИН, 22 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг президенти Го Мо-жо СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеяновга телеграмма юбориб, кўп босқичли совет баллистик ракетасининг Тинч океан районига муваффақиятли учирилганлигини табриклади.

Телеграммада бундай дейилади:

«Мен Совет Иттифоқининг 1960 йил 20 январь кечқурун Тинч океан районига кўп босқичли баллистик ракета муваффақиятли учирилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб бахтиёр бўлдим. Сизга хитой олимлари номидан ва шахсан ўз номимдан қизғин табрикларимни йўллашга ҳамда Сизга ва Сиз орқали совет олимларига катта ҳурматимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Тинч океан районига кўп босқичли совет баллистик ракетасининг учирилганлиги ўлчов натижаларига кўра, ракетанинг бошқарув системаси гоят аниқ бўлганлигини исботлайди.

Кўп босқичли кучли совет ракетасининг муваффақиятли учирилганлиги совет фанининг космик фазони ўзлаштириш ва Қуёш системасидаги планеталарни ўрганиш йўлида янги тараққиётга эришувига гаровдир. Бу — социалистик лагерь учун ва бутун дунёдаги тинчликсевар кишилар учун қувончли воқеадир. У тинчлик учун курашаётган халқларни илҳомлантиради ва уларга янги куч бағишлайди.

Совет илмий ходимларига янги муваффақиятлар ва янада буюк ижодий ғалабалар тилаймиз».

АЖОИИБ ҒАЛАБА

СОФИЯ, 22 январь. (ТАСС). Совет Иттифоқида Тинч океан районига кўп босқичли баллистик ракетанинг муваффақиятли учирилганлиги тўғрисида ТАСС ахборотини Болгария жамоатчилиги зўр қизиқиш билан кутиб олди. Жамоатчилик бу воқеага совет фани ва техникасининг янги порлоқ ғалабаси деб баҳо бермоқда. Болгария телеграф агентлигининг хабар беришича, Болгариянинг астронавтика соҳасидаги мутахассислари ракетанинг Ер сатҳи бўйлаб ғоят катта масофани учиб ўтганлиги, учиш тезлиги ва белгиланган тушиш нуқтасидан жуда кам четга чиқиши совет олимларининг космик фазони янада ўрганиш учун, Марсга, Венерага ва Қуёш системасидаги бошқа планеталарга муваффақиятли учишларни амалга ошириш учун етарли воситаларга ҳозирдаёқ эга эканликларини исботлайди.

СОВЕТ РАКЕТАСИ ҲАР ЖИҲАТДАН УСТУН

НЬЮ-ЙОРК, 21 январь. (ТАСС). Совет Иттифоқида янги, анча кучлироқ кўп босқичли баллистик ракетанинг муваффақиятли учирилганлиги тўғрисидаги ТАСС ахборотини АҚШ да зўр қизиқиш туғдирди.

Американинг информацион агентликлари ТАСС ахборотининг тўла текстини ўзларининг дастлабки шарҳлари билан бирга дарҳол эълон қилдилар.

«АҚШ ҳарбий экспортлари, —деб Вашингтондан хабар беради Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги, — ғоят кучли совет ракетасининг учирилган нуқтасидан қарийб 8 минг миля узоқда, Тинч океандаги нишондан 2.100 яр̆дан камроқ масофада сув сатҳига етиб борганлиги тўғрисида совет маълумотларига «шундай бўлиши жуда эҳтимол», деб баҳо бердилар.

Совет маълумотларига мувофиқ, дейилади агентликнинг бошқа бир хабарида, Совет Иттифоқининг «энг янги кўп босқичли ракетаси Американинг «Атлас» ракетасига (АҚШ даги энг мукаммал баллистик ракета. — Ред.) нисбатан кучлироқ бўлиш билан бирга, белгиланган жойга аниқ бориб тушиш жиҳатидан ҳам устунликка эга».

ЯНГИ ХАБАР БУТУН МАМЛАКАТГА ЁЙИЛДИ

ПАРИЖ, 21 январь. (ТАСС). Совет Иттифоқининг Тинч океан районига баллистик ракета учирганлиги тўғрисидаги хабар бутун Францияга тез вақт ичида ёйилди. Франс Пресс агентлиги бу воқеага бағишланган бир неча шошилинч хабарлар эълон қилди, сўнгра ТАСС ахборотининг деярли тўла текстини берди. Париж радиосининг информацион бюллетенида совет баллистик ракетасининг муваффақиятли учирилишига анча ўрин берилган.

АРГЕНТИНА ГАЗЕТАСИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИНИ МАЪҚУЛЛАМОҚДА

БУЭНОС-АЙРЕС, 22 январь. (ТАСС). Аргентинада атоқли ёзувчи Леонидас Барлетта томонидан нашр этилаётган «Кондукта» деган ҳафталик газета СССР Олий Советининг Совет Иттифоқи Қуролли Кучларини яна анча қисқартириш тўғрисидаги қарорини маъқуллламоқда. Н. С. Хрушчевнинг нутқи деб ёзади газета, ва Совет Иттифоқининг Қуролли Кучларни бир ўзи қисқартириши тўғрисидаги қарори «тинчликни сақлаш йўлида кўрилган конкрет тадбирдир».

«Шу нарса мутлақо равшанки, — деб уқтириб ўтади «Кондукта» газетаси, — буларнинг ҳаммаси Парижда бўладиган юксак доиралаги кенгашнинг муваффақиятли ўтишига катта ишонч бағишлайди. Бу кенгашда халқаро ҳамкорлик қилиш йўли билан совуқ урушга хотима бериш ҳақида, атом халокати хавфига хотима бериш ҳақида, барча халқларнинг прогресси учун хавфсизлик ва шарт-шароит таъминлаш ҳақида битимга эришилса керак».

ЭЙЗЕНХАУЭР ЯПОНИЯГА БОРАДИ

ВАШИНГТОН, 21 январь. (ТАСС). Оқ уй вакилининг кеча эълон қилишига кўра, Қўшма Штатлар президенти Д. Эйзенхауэр Совет Иттифоқига қиладиган сафаридан кейин, шу йил июнь ойининг 20-кунларида Японияга боради.

АМЕРИКА РАКЕТАСИ УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 январь. (ТАСС). Ассошейтед Пресс агентлигининг хабар беришича, бугун Қўшма Штатларда Уоллопс оролидан (Виргиния штати) ракета учирилган. Ракетанинг махсус контейнерида маймунча бўлган. Маймунча билан контейнер парашютда океанга тушган.

Узбекистон кимёгарлари шаҳри — Чирчиқ йил сайин янги ва гўзал киёфага кириб бормоқда. СУРАТДА: янги Тинчлик кўчаси.

А. Палехов фотоси.

МОСКВАНИНГ КАТТА ЖАНУБИЙ-ҒАРБИ

Москва Советининг ижроия комитети Москванинг Катта Жанубий-Ғарби планы лойиҳасини тасдиқлади.

Лойиҳага биноан Жанубий-Ғарб ўн олти минг гектардан иборат жуда катта территорияни эгаллайди. Кейинчалик бу райондаги уй-жой майдони ўн тўрт минг миллион квадрат метрга етади. Уй-жой кварталлари билан бир қаторда маданий-маиший бинолар комплекси — мактаблар, магазинлар, кино-театрлар, болалар боғчалари, ясли-лар ва ҳоказолар қад кўтаради.

Пойтахтнинг янги районида тўрттә катта парк, боғлар, скверлар, кўкаламзор жойлар ташкил қилинади. Бу ерда яшайдиган аҳоли жон бошига 18 квадрат-метрдан кўкаламзор жой тўғри келади. Бу «кислород фабрикалари» уй-жой кварталлари орасида жойлашади.

Москва давлат университетига яқин жойда умумшаҳар аҳамиятига эга бўлган маъмурий марказ вужудга келади. Бу ерда Советлар Саройи иншоотларининг улуғвор комплекси, Владимир Ильич ҳайкали қад кўтаради. Москва давлат университети биносидан бир неча километр нарида Советлар мамлакатининг улуғ кишилари шарафига абадий ёдгорлик — Пантеон қурилади.

ШАХМАТ

СССР спорт мастери М. Муҳитдинов таҳрири остида

ТАХТАГА ҚАРАМАЙ ТУЗИЛГАН МАСАЛА

(1- диаграмма).



Бу масала 1941 йилда тузилган бўлиб, унинг автори биринчи рус жаҳон чемпиони А. А. Алёхиндир. Масала шахмат тахтасидан фойдаланилмай, мияда тайёр қилинган. Бу — ҳаддан ташқари, қийин ишдир. Бунга масалани ечганда ишонч ҳосил қиласиз...

* * *

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Осиё мамлакатлари халқаро шахмат турнирининг голиби Александр Грушевскийга СССР спорт мастери унвони берилди. Қуйида биз Грушевский ижодидан бир мисол келтирамиз.

Грушевский — Вересов

СССР халқлари иккинчи спартакиадасида ўйналган (Москва, 1959 йил).

(2-диаграмма)



Диаграммадаги позиция қора доналар билан ўйнаган белоруссиялик мастер Вересовнинг 15-юришидан кейин содир бўлган эди. Энди, оқлар ўзининг навбатдаги юриши билан ўйинга бамисоли «жон» киритади.

16. Кd5: e7 + !!...

Бу — ҳар томонлама мақтовга арзийдиган юришдир.

16. « « Кс6: e7

Агар бунинг ўрнига 16...Л: e7 бўлса, 17.Л:f2 л7 18. Л: f7 Кр:f7 19. С: d7 ёки 19. Л: f1 + КР e8 (19...Кре7 қилинса. 20. Сf8 + Кр d8 21. Сd6!) 20. Лf8 + Кре7. 21. Лh8! дан кейин оқлар осонгина ютади.

17. Сd4 — e6!!

Энди, ўйиннинг қолган қисмини чўзмай қўяқолайлик. Ҳа, янги спорт мастеримиз шунчаки эмас шахматчидир. Ҳурматли газетхонларга ушбу позициянн мустақил анализ қилиб чиқишини тавсия қиламиз.

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТИ ИЗИДАН

Пул қутиртирган КИШИ

1947 йилда Чуст районидаги 1-сельпога Ашурали Ҳасанов кассир бўлиб келди. Шундан бери у ҳар хил найранглар билан ҳали экспедитор, ҳали сотувчи мансабларида «ишлаб» кишиларни алдаб келган, молларнинг нархи устига нарх қўйиб сотган. Бебилнски йғилган пул Ашуралини қутиртирган. У бемор ётган хотини билан ёш болаларини унутиб, маишатбозликка берилган ва яширинча Хатира Гумирова деган аёлга уйланиб олган. Бемор хотини Бибинисо эса доғ-ҳасратда вафот этган.

Бу тўғрида меҳнаткашлардан редакцияга хат келган эди. Шу хат юзасидан текшириш ўтказган Чуст район прокурори кичик юрист Э. Қосимовнинг хабар қилишича, хатда келтирилган фактлар тасдиқланган. Прокуратура А. Ҳасановни жиноий жавобгарликка тортган, район халқ суди эса уни 4 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган.

ГАНЧ ЎЙМАКОРИ

Агар республикамиз пойтахтидаги театрларда ва колхоз клубларида бўлган бўлсангиз, ганчдан ишланган нафис ва нозик гулларга, нақшларга кўзингиз тушгандир. Халқимизнинг энг қадимий санъати намояндалари — моҳир усталарни «игна билан қудуқ қазиган» ижодкорларга ўхшатиш мумкин.

Яқинда Ўзбекистон рассомлари союзи авлод-авлоди ганчга ўймакорлик қилиб келаётган уста Маҳмуд Усмоновнинг туғилган кунига 50 йил ва педагогик фаолиятига 30 йил тўлиш кунини нишонлаб халқ устасининг тўйини ўтказди.

Бу, қувончли воқеадир. Чунки, уста Маҳмуд Усмоновнинг иши, унинг яратган ганч безаклари фақат республикамиздагина машҳур бўлиб қолмасдан, Иттифоқ ва халқаро аҳамиятга эга бўлган кўпгина кўрикларда ўзбек декоратив санъатини улуғлашга хизмат қилди.

Маҳмуд туғилган чоқларда унинг отаси Усмон Икромов тошкентлик ўймакорлар орасида шуҳрат қозонган эди. Йиллар ўтди. Қобилиятли Маҳмуд ўн беш ёшиданоқ отаси ёнида ишлай бошлади. Улар анча йиллар ёнма-ён ишлаб, Тошкентдаги кўпгина уй-жойларни ва жамоат биноларини безадилар. Маҳмуд Усмонов ва унинг отаси республикамиздаги энг катта архитектура иншоотларидан ҳисобланган Муқимий номли музикали драма ва комедия театри ва Навоий номли академик опера ва балет театри биносининг ички ва ташқи безакларида ўзларининг ажойиб ижодий меҳнат самараларидан ўчмас из қолдирди.

Маҳмуд Усмонов қадимий ганч обидаларини тиклашда, тарихий аҳамиятга эга бўлган биноларни қайта тиклашда ўз маҳоратини кўрсатди. Қайта тикланган бинони кўрган кишилар бу ганчга ўйилган гуллар яқиндагина ишланганига ҳеч қачон ишонмасликлари мумкин. Чунки, уста Маҳмуд худди қадимгисидек қилиб тиклаганидан уларда ямалган чокларини билиб бўлмайди. Унинг Бухородаги Сторай моҳи-хосса саройидаги тиклаш ишлари диққатга сазовордир.

Уста Маҳмуд Ўзбекистон рассомлар союзининг ижодий ишларида актив иштирок этади. У жуда нозик ва кичкина паннолар яратишга моҳирдир. Асарларида гуллар билан бир қаторда, унга республикамиз давлат герби, тинчлик каптари, Кремль юлдузларини чизиб, янги мазмун бағишлайди. У, «Панжара» ишлашда ҳам шуҳрат қозонган.

Устанинг яна бир фазилати шундаки, у фақат ўзи ижод этибгина қолмасдан, ноёб ҳунарини эгаллайдиган ёшларни тарбиялаш ишига ҳам баракали ҳисса қўшмоқда. У 1948 йилдан шу кунга қадар Сталин номидаги пионерлар саройида ганчга гул ўйиш бўйича инструктор бўлиб ишлаб, 150 дан ортиқ, Тошкент бадиий рассомлик билим юртида 30 га яқин ўймакор шогирд тайёрлаб чиқарди.

Маҳмуд аканинг қўлида ўқиган болалар Москва, Тошкент, Ленинград, Киев, Варшава, Лондон, Брюссель ва Ҳиндистоннинг бир қанча шаҳарларида очилган выставкаларда ўз ижодлари билан қатнашиб, ўзбек амалий санъатининг ютуқларини намойиш қилдилар.

Пойтахтимизга ҳусн қўшиб турган янги муҳташам «Тошкент» меҳмонхонасининг деворларида, шипларида, пештоқларида уста Маҳмуднинг ижодий меҳнати бор. Унинг кўпгина шогирдлари пионер саройларидаги тўгаракларда бошчилик қилмоқдалар.

Санъаткор педагог ўз шогирдлари ҳақида ҳамиша фахрланиб гапиради. Ўзи эса янги-янги гуллар, шакллар, қолиплар яратиш устида доимий иш олиб боради. Унинг ганчга ўйган гулларида Ер йўлдоши, ракета, ер курраси каби шакллар пайдо бўла бошлади.

Уста Маҳмуд Усмоновлар оиласидаги ўғиллар ва набиралар ҳам ота касбини ўрганмоқдалар. Улар 85 яшарли боболари Усмон ота ва дадалари Маҳмуд акадан кўп нарса ўрганмоқдалар.

Сталин номли пионерлар саройида ўтказилган устанинг юбилей кечасида ўзбекистон рассомлар союзи раиси Искандар Икромов, рассом Турсун Аҳмедов, пионер саройлари директорлари, санъат ходимлари, шогирдлари устани қизғин табрикладилар, қимматбаҳо совғалар топширдилар.

Кўркам, жозибали ва кўз-кўз қилса арзигулик иншоотларда ганчдан ишланган гулларни кўрган ва ундан мамнун бўлиб баҳра олган республикамиз меҳнаткашлари моҳир уста ва ажойиб педагог Маҳмуд Усмоновга янги ижодий муваффақият тилайдилар ва етти йиллик иншоотларига ўз санъати билан ҳусн қўшишини истайдилар.

Н. АВИДОВА,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси санъатшунослик илмий-текшириш институти ходими.

Суратда: Маҳмуд Усмонов (чапдан иккинчи) Беньков номидаги рассомлик билим юрти 5-курс студентлари орасида.

Р. Шамсутдинов фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ИРОҚ КАСАБА СОЮЗ АРБОБЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА.

Тамаки саноати ишчилари касаба союзининг раиси Муҳаммад Раухбон бошчилигида Ироқ касаба союз ходимлари бирлашмалари делегацияси бир неча кун давомида Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турди.

Меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлдилар. Ўзбекистон СССР Фанлар академиясининг олимлари билан суҳбатлашдилар. Калинин районидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артелини бориб кўрдилар.

22 январда делегация Москвага жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

Тошкент янгиликлари

▲ **Озарбайжон давлат эстрада оркестри икки кундан кейин Свердлов номли концерт залида ўз гастролларини бошлайди. Оркестрнинг бадиий раҳбари композитор Рауф Гажиев билан бирга бу ерга Озарбайжоннинг кўзга кўринган ўндан ортиқ қўшиқчилари, созандалари келадилар.**

▲ **Бокс бўйича шаҳар биринчилиги мусобақаси якунланди. Бунда «Динамо», «Спартак», «Меҳнат» командаларининг коллективлари қатнашдилар.**

Тўрт кунлик спорт нурашидан сўнг «Динамо» командаси бокс бўйича шаҳар биринчилигини олди.

ПРАВДА ВОСТОКА

Бош мақола 1959 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг бажарилиши якунларига бағишланган. Зоотехник Г. Файрушиннинг мақоласида чорвачиликда гўшт хўжалигини ўстириш масаласи кўтарилади. Бир группа ишчи мухбирлар Самарқанд корхоналарида янги ускуналардан ёмон фойдаланилаётгани ҳақида ёзадилар. Ёзувчи У. Исмоилов «Дилимиз меҳмонлари» сарлавҳали мақола билан қатнашган.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.00 — мактаб ўқувчилари учун рус тилида эшиттириш. **«Костёр»** телевизион журнали. 19.30 — Ўзбек тилида **«Тўққизинчи баҳор»** деган ҳужжатли фильм. 19.50 — Сўнгги ахборот. 20.10 — телетомошабинларнинг талабларига мувофақ **концерт.** 20.50 **«Шу дунё зўравонлари»** деган бадиий фильм. 22.25 — **«Ҳамма липсига рақс тушади»** деган эшиттириш.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ГИГАНТ ТЕЛЕСКОП

СССР Фанлар академияси Қрим астрофизика обсерваториясида ўрнатилган ва кўзгусининг диаметри 1 метр 25 сантиметр бўлган телескоп-рефлектор мамлакатимиздаги энг катта астрономик асбоб ҳисобланади. Ҳозир Ленинграддаги Оптика-механика заводида янги телескоп учун кўзгу тайёрланмоқда. Кўзгунинг диаметри — 2 метр 60 сантиметр, оғирлиги 4 тоннадан ошиғроқ бўлади. Астрономик кузатишлар учун бу кўзгуни энг сифатли ойна массасидан ҳеч қандай нуқсонсиз қуйиш ва уни жуда аниқ қилиб пардозлаш керак. Бу жуда мураккаб ишдир. Телескопнинг механик асосини яратиш ҳам осон иш эмас. Унинг асоси тўрт қаватли уйдан баландроқ бўлади. Янги рефлектор тайёрлашда қатнашган Ленинград Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарининг ишчилари ва мутахассислари дунёдаги энг катта шу тарздаги асбоблардан бирини яратишда кўпгина маҳорат сарфладилар.



СССР Фанлар академияси корреспондент-аъзоси, рефлекторларни қабул қилиш давлат комиссиясининг раиси А. Б. Северний «Правда» мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Гигант телескопни яратишда Ватанимиз учун рефлекторлар тайёрловчи машҳур конструктор, Ленин мукофоти лауреати Б. К. Иоаннисиани ва бошқа бир қанча олимлар ҳамда конструкторлар қатнашди. Улар СССР Фанлар академияси ҳузуридаги профессор В. Б. Никонов бошчилигидаги махсус телескоп қуриш комитетига уюшдилар. Атоқли совет астрофизиги академик Г. А. Шайн хотираси учун янги кўзгули телескопга унинг номи берилди.

Уникал астрономик асбобнинг механик қисмлари ва ҳаракат системаси заводдаги синовлардан яхши ўтди. Яқин кунлар ичида телескоп Қрим астрофизика обсерваториясига олиб борилади.

Рефлектор гумбази айланадиган махсус минорага ўрнатилади. Янги кўзгули телескоп монтажи тугалланганидан кейин совет астрономлари олдида ердан жуда узоқдаги юлдузларда ва галактикаларда рўй бераётган космик процессларни текшириш учун янги катта имкониятлар туғилади. Рефлектор қуёш системамиздаги планеталарни ва космик ракеталарни кузатиш учун махсус приборлар билан таъминланади.

Суратда: телескопнинг механика қисмини монтаж қилиш.

(«Правда» дан)

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/I да **Фурқат**, 24/I да кундуз **Оқпадар**, кечқурун **Тоға-жиянлар.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—24/I да кундуз **Богема**, кечқурун **Кармен.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—23/I да **Фарғона ҳикояси**, 24/I да кундуз **Ошиқ Ғариб**, кечқурун **Ватан ишқи.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —**Янги программа.** Пахта байрамига бағишланган парад-пролог. **«Айиқлар цирки»** гастролининг давоми. Томоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта томоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНО

Кўприкдаги одамлар — «ВАТАН» (кеч соат 8-20 минутда), СОБИР РАҲИМОВ номли (кеч соат 6 ва 10 да), «ИСКРА». (кеч соат 5 дан) «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 3-20 минутда) «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, кеч 5 ва 9 да).

Уч денгиз оша — «ВАТАН» (кундуз соат 3 ва кеч 5-40 минутда).

Борис — «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутда).

Турналар учади— «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда).

Пўртана — «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут, кундуз 12, 1 ярим ва кеч 10 да), «ИСКРА» (кеч соат 5 гача) «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 4 ва кеч 8 да).

Оталар мактаби — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (2-залда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун). СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва кеч 8 да) «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11-45 минут ва кеч 6-50 минутда). «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 11-45 минут ва кеч 6-50 минутда).

Аршин мололон—СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 4 да).

Танишув—НАВОИЙ номли (кеч соат 6-50 минутда).

Тошкентдаги

„Ўзбекистон 25 йиллиги" артелининг *ателъеси ва мастерскойлари*

қуйидаги ишларни бажариш учун

АҲОЛИДАН ЗАКАЗ қабул қилади

1-разрядли ателье (Киров кўчаси 19-уй. «Гастроном» рўпарасида) — **эркак ва хотин-қиз устки кийимлари ва пойафзал тикади.**

Уй-рўзғор комбинати (Пушкин кўчаси 99-уйда) — **эркак ва хотин-қиз устки кийимлари ва пойафзал тикади, нимёвий усулда кийим тозалайди..**

ҚУЙИДАГИ ЖОЙЛАРДА ЯККА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Кийим ва пойафзал тикиш учун — Сельмаш совет-колхоз бозорида.

Пойафзал тикиш учун—Паркент совет-колхоз бозорида.

Эркак ва хотин-қиз Устки кийимлари тикиш учун — Аҳор кўча, 4-уйда.

Эркак ва хотин-қиз устки кийимлари тикиш учун — Ҳамза кўчаси, 9-уйда.

Бош кийимлари тикиш учун—Собир Раҳимов кўчасида («Рабочий городок» остановкаси).

Устки кийимлар тикиш учун—Октябрь бозорида.

Эркак ва хотин-қиз пойафзаллари тикиш учун — Олой кўча, 2-уйда.

Бош кийимлари тикиш учун — Биринчи май бозорида.

Эркак ва хотин-қиз устки кийимлари тикиш учун — Навоий кўчаси, 117-уйда.

Олмазор кўча, Шелкомотальний проезд, 42-уйда турувчи **Собир Юсуповнинг** 5 Декабрь кўчаси, 33-уйда турувчи Марғуба Қурбоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7-участка халқ судида кўрилади.

Калинин район, Охунбобоев номли колхозда турувчи **Ҳаким Зариповнинг** Фурқат кўчаси, 45-уйда турувчи Мамлакат Зариповадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7-участка халқ судида кўрилади.

САНЪАТ МУЗЕЙИДА

Ҳиндистон мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан.

24 январь кундуз соат 3 да: **«Ҳиндистон санъати»** деган темада

ЛЕКЦИЯ

Лектор — **И. М. Прица.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24 январда

мактаб мусика абонементи бўйича 4-7 синф ўқувчилари учун

суҳбатли концертлар

Кундуз соат 1 яримда ўзбек тилида: **«Опера ва балет нима»** деган темада. Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Галия Измайлова, Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдураҳмонов, Насим Ҳошимов**лар қатнашади.

Кундуз соат 4 да рус тилида: **«Ўзбекистон композиторлари — болаларга»** деган темада.

26 январдан 3 февралгача

ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТ ЭСТРАДА ОРКЕСТРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбари — композитор **Рауф Гажиев.**

Қатнашувчи солистлар: **Гавриил Нажаров** ва **Михаил Шаров** (юмор, сатира конференс), **Алексей Виницкий** (совет ва чет эл қўшиқлари), **Евгения Дэвис** (лирик ва жанр қўшиқлари), **Михаил Виницкий** (жанр ва тироль қўшиқлари) **Октай Огаев** (эстрада қўшиқлари), **Нонла Назирова, Камол Дадашев, Рафи Асадуллаев, Али Зайналов** (халқ ва классик рақслари) ва бошқалар.

Кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар ҳар куни Концерт залн кассасида кундуз соат 12 дан ва район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604, Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Саноат — 34524, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34780, Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 36334, 33262.

Р 01534. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А — № 19.